

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих факультети

Тарих кафедраси

“Тарих” таълим йўналиши бўйича магистрлик даражасини олиш учун

БОЛТАЕВ АЗАМ

**МАВЗУ: “ХОРИЖДАГИ ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ
МИЛЛИЙ МАТБУОТИ ВА УЮШМАЛАРИ
(1917-1991 йиллар)”.**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар _____ Тарих фанлари доктори,
профессор Ҳайитов Ш.А..
“ _____ ” _____ 2013 й.

“Ҳимоя қилишга рухсат берилди”

Укув бўлими бошлиғи _____
“ _____ ” _____ 20____ й.

Бухоро-2013

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	3
I боб. Ўзбек (Туркистон) диаспорасининг ташкил топиши ва хорижда дастлабки миллий матбуот органларига асос солиниши	11
I.1. Ўзбекларнинг дунё бўйлаб тарқалиши, зиёли ўзбек муҳожирлари	11
I.2. Туркистонликларнинг илк миллий матбуоти	18
а) „Ени (Янги) Туркистон” журналининг фаолияти	18
б) „Ёш Туркистон” журнали ва унинг таснифи	21
II боб. XX аср 2- ярмида муҳожир ўзбеклар матбуоти	26
II.1. Туркиядаги ўзбек миллий матбуоти	26
II.2. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги ўзбек матбуоти	36
III боб. Муҳожир ўзбекларнинг хориждаги миллий уюшмалари.	44
III.1. Хориждаги ўзбекларнинг илк миллий уюшмалари ва АҚШ даги ўзбек (туркистонлик) лар жамияти	44
III.2. Туркия ва Германиядаги миллий уюшмалар	55
Хулоса	64
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар	70
Илова	75

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида тарих фанини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг барча босқичларини объектив, холисона ва тарихийлик принципларига амал қилинган ҳолда тадқиқот олиб бориш соҳасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Тарихий изланишлар тизимида XX аср тарихи муҳим ўрин тутади. Ўзлимизни чуқур англашда тарихга қайта-қайта мурожаат қилинмоқда. «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркий тилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз аввало фарзандларимиз билиб олсинлар»¹ деб фикр билдиради Ўзбекистон Республикаси президенти И.А Каримов. Ҳар бир масалага жиддий муносабатда бўлиш, миллий ғурур ва миллий ифтихорни уйғотадиган жиҳатларни назардан четда қолдирмаслик бугунги тадқиқотчилар вазифасидир. Истиқлол туфайли «ўзбек муҳожирлиги тарихи» мавзусида чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга имкон туғилди. Ҳозирда ўзбек халқи вакиллари томонидан яратилган маданиятнинг умумўзбек миллий маданиятини ажралмас бир қисми деб қараш психологияси шаклланмоқда. Шундай экан мустабид совет ҳокимияти йилларида муҳожирликка маҳкум этилган миллатдошларимиз ҳаёт йўли ва фаолияти ҳам тарихимиздаги ўзига хос саҳифалардир. Ушбу нуқтаи назардан қараганда мен танлаган магистрлик диссертациясининг долзарблиги намоён бўлади. Ортда қолган салкам бир асрлик даврда муҳожир ўзбек зиёлилари Шарқ ва Ғарбнинг ўнлаб мамлакатларида матбуот органлари ҳисобланган газета ва журналларга асос солдилар, дунёнинг турли бурчакларида ўзликларини сақлаб қолиш, бир-бирларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш учун миллий уюшмалар туздилар. Таъкидлаш жоизки, «тўртинчи ҳокимият» деб ном олган матбуотнинг жамиятдаги роли бекиёс. Матбуот демократик

¹ Каримов И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т. Шарқ 1998. –Б.13.

жараёнларни чуқурлаштиришда кишиларда фикр ва ғояларни ўсишида, воқеликларга ўз нуқтаи назарини билдиришдаги муҳим ахборот воситасидир. “Президентимиз ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларни Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса тамал тоши ҳисобланади”¹ –деб таъкидлайдилар. Қолаверса, хориждаги ўзбек (Туркистон) матбуоти органларидаги бош мавзу ва ғоя: «Туркистон озодлиги ва мустақиллиги масаласи» бўлганини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Турли-туман газета ва журналларда босилган хабар ва мақолалар совет даврининг мураккаб ва чигалликларга тўла 1920-1930 йиллардаги тарихи ҳақида баҳс юритади. Шунингдек, миллий манфаатлар ва миллий ўзликни англашга хизмат қиладиган фикр-мулоҳазаларга тўйинтирилган мақолалар уларда кўп ўринни эгаллаган. Ўзбек халқининг мустақиллиги учун курашлар тарихи солномасини тўлдиришда муҳожиратда яратилган матбуот аҳамиятли бўлармиди, деган фикр туғулади. Мавзу долзарблиги бу жиҳатдан ҳам яққол эътиборни тортади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» номли китобида: «Биз ўз тарихимизни йўққа чиқара олмаймиз. Бу тарихимизда ҳам қаҳрамонона ҳам фожиали саҳифалар кўп бўлди»² деб ёзганди..

Ўзбекистон тарихшунослигида «хориждаги ўзбек миллий матбуоти ва миллий уюшмалари» масаласи ҳозирга қадар магистрлик диссертацияси даражасида ўрганилмаганлиги ҳам мазкур масала долзарблигини оширади.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети: Хорижда чоп этилган ўзбек ва Туркистон минтақаси халқлари тилларидаги матбуот органлари ва миллий уюшмалар тарихи диссертациянинг объекти ҳисобланади.

Муҳожир ўзбекларнинг газета ва журналлари, уларда илгари сурилган ғоя ва фикрлар, чет эллардаги ўзбек миллий уюшмалари, уларнинг низом

¹ Каримов И.А Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни концепцияси. Т: Ўзбекистон; 2010; – Б. 28.

² Каримов И.А Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида Т.: Ўзбекистон; НМИУ; 2011. – Б.165.

ва йўриқномалари, мақсади, тузилмаси ҳамда фаолиятини очиб бериш диссертациянинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Тадқиқотда хорижда ўзбек миллати ва Туркистоннинг бошқа миллат вакиллари томонидан осос солинган миллий матбуот органлари ва миллий уюшмалар фаолияти ҳақида яхлит ҳолда маълумот бериш мақсади кўзланди. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб диссертант ўз олдига қуйидаги аниқ вазифаларни белгилаб олди.

- Муҳожир ўзбеклар ижтимоий қатламида зиёли аҳоли вакиллари ҳам анчагина эканлиги, бу қисмнинг маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кўрсатиш.

- Туркия, Германия, АҚШ, Австралия каби мамлакатларда муҳожир ўзбеклар асос солган миллий матбуот органлари ва миллий уюшмалар ҳақида умумий маълумот бериш.

- Чет эллик ўзбек (туркистонлик) ларнинг “Янги Туркистон” ҳамда “Ёш Туркистон” журналлари ва бир қатор газеталар фаолиятини бирламчи манбалар ва адабиётлар асосида қиёсий таҳлил қилиш.

- Ўзбекларнинг миллий матбуоти ва миллий уюшмалари мақсади ва вазифалари, улар фаолиятидаги ўзига хосликларни тадқиқ қилиш.

- Диссертация сўнггида мазкур масалаларни истиқболда ўрганиш билан боғлиқ илмий хулосалар билдириш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили: Тадқиқ қилинаётган мавзу тарихига оид ишларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Мустақиллик йилларида ҳозирдаги ўзбеклар тарихига оид эълон қилинган асар ва мақолалар.
2. Хотира ва эсдаликлар:
3. Даврий матбуот материаллари.
4. Хорижда чоп этилган ишлар.

Ўзбекистон Республикаси истиқлоли арафасида ва мустақиллик йилларида «хориждаги ўзбеклар» мавзуси илмий, илмий-оммабоп йўналишлардан бирига айланади десак, хато қилмаймиз. Чет эл ўзбеклари ҳаёти ҳақида бир қатор мақола ва ишлар чоп этилдики, улар орқали муҳожир ўзбекларнинг матбуот органлари ва миллий уюшмалари ҳақида ҳам маълумот олиш имкони туғилди. Бу соҳада Э. Воҳидов, М.Нишонов, Ражаббой Ота Турк, Р. Шамсутдинов, А. Иброҳимов, А. Ирисов, Шерали Турдиев, Тохир Қаҳҳор¹ кабиларнинг мақола ва китобларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Юқорида қайд қилинган муаллифлардан Ш.Турдиев ва Тохир Қаҳҳорларнинг асарларида бевосита хориждаги ўзбек матбуоти тарихига оид қизиқарли маълумотлар келтирилади. 1990-йилларнинг охири ва ХХІ аср дастлабки ўн йиллигида тадқиқ қилинаётган мавзуга оид ишлар кўлами кенгайди. Хориждаги ўзбеклар мавзусида жиддий илмий мақолалар, рисола ва монографиялар ёзилди. Адабиётшунос ва тарихчи олимлардан Ш.Турдиев, Қ.Ражабов, Ш. Ҳайитов, Мавлон Шукурзода² кабиларнинг изланишлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу муаллифларнинг ишларида ўзбек муҳожирлари чоп эттирган матбуот органлари, улар асос солган миллий уюшмалар, газета ва журналларнинг таъсисчилари, миллий уюшмалар раҳбарлари ва фаолиятларига тегишли бўлган ҳужжатлар асосидаги рақам ва далиллар мавжуд. Диссертация мавзусининг илмий жиҳатдан бойитишда бу материаллардан унумли фойдаланилди. Тадқиқот давомида Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси узоқ йиллар муҳожирликда

¹ Воҳидов Э. Америкалик ўзбеклар // Ёшлик, 1989 № 6 Б 2-6; Нишонов М. «Юлдуз - дўстлик элчиси // Шарқ юлдузи - № 1991» № 12Б. 201-202; Ражаббой Ота Турк. Ватан дея ватансиз ўтдик // Халқ сўзи, 1991 йил 25 январ; Шамсутдинов Р. Усмонхўжа Ватан хоини эмасди // Халқ сўзи, 1991 йил 15 октябр; Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон адабиёти ва санати 1993 йил 28 май; Ирисов А. Ватан меҳри // Гулистон 1995 № 5-6 Б 38-40; Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т. Фан, 1991-70 бет, Тохир Қаҳҳор. Муҳожир Туркистонликлар матбуоти (таслим бўлмаган миллат) // Ўзбекистон адабиёти ва санати 1992 йил 10 январ, шу муаллиф. Хур Туркистон учун Т Чўлпон, 1994. 112 бет.

² Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. Т Академ хизмат. 2006. 256 бет. Ражабов Қ.Ҳайитов Ш. Усмон хўжа Т : АБУ МАТБУОТ- KONSALT 2011. 36 бет. Ҳайитов Ш Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар) Т. : АБУ МАТБУОТ- KONSALT 2008. 208 бет. Шу муаллиф АҚШ даги ўзбеклар // Бухоро илмий ахборотлари 2008 № 4 Б. 12-13. Шу муаллиф. Муҳожирлик на шодлик, на ғам... Бухоро: «Бухоро» нашриёти, 2008 104 бет Шу муаллиф. Хориждаги ўзбек матбуоти Бухоро илмий ахборотлари, 2010 № 2. –Б. 14-18., Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. Т. Фан, 2007. 279 бет ва ҳоказо.

яшаб, сўнгра Ўзбекистонга қайтган Аҳрор Аъзамов¹ (1915-1993) хотараларидан шунингдек, бошқирд олими Аҳмад Закий Валидий Тўғон², муҳожир ўзбек Иброҳим Ёркин³, Мустафо Чўқайнинг турмуш ўртоғи М.Я.Чўқай⁴. ҳамда Мунавварқори Абдурашидхонов⁵ хотираларидан кенг фойдаланилди. Хотира ва эсдаликларда ўзбек муҳожирлари кенг матбуотчиликка миллий уюшмалар тузишдаги ташкилотчилик фаолияти жонли гувоҳлар тилидан ишончли баён қилинади. Айниқса, Иброҳим Ёркин «Йени Туркистон» (Янги Туркистон) «Ёш Туркистон» журналлари фаолиятидаги иштирокчи сифатида ўз хотираларида қимматли маълумотлар келтирган. Диссертация ишини манбавий жиҳатдан бойитишга хорижда ва Ўзбекистонда чоп этилган 1920-1930 йилларда нашр этиб турилган «Бухоро ахбори» «Озод Бухоро» «Ойдин», «Хур Туркистон учун-Истиқлолчи газета», «Ёш Туркистон», «Йени Туркистон» (Янги Туркистон) да босилган материаллар илмий муомалага олиб кирилди. Муҳожир ўзбекларнинг матбуот органлари ва миллий уюшмаларига таалуқли бўлган маълумотлар хорижда чоп этилган адабиётларда, илмий-оммабоп нашрларда ҳам мавжуд. Туркиянинг тарихчи Меҳмет Сарой⁶ ва Туркия Республикасида истиқомат қилган муҳожир ўзбек Аҳат Андижоний⁷ китобларини қайд этиб ўтиш ўринли бўларди. Шунингдек «Ёш Туркистон» ва Янги Туркистон журналлари материаллари тўпланиб алоҳида нашр ҳолига келтирилган китобларда⁸ ҳам ҳам мавзуга оид материаллар, далил ва рақамлар мавжуд. Ўзбекистон тарихи фанида ва ҳозирда чоп этилган нашрлар тадқиқ қилинар экан, ҳозирдаги ўзбек матбуоти ва миллий уюшмалар тарихи мавзуси алоҳида

¹ Azamov Ahror. Acid hat. Toshkent. 1977. –Б.47.

² Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Бошқирд тилидан Ш.Турдиев таржимаси. Т. Адолат. 1997. 280 бет.

³ Иброҳим Ёркин. Хотиралар // Жаҳон адабиёти. Т. 2002 № 6. –Б. 134-145.

⁴ Чокай Мария. Я пишу вам из ножка на Воспаминания, письма, документи. Алмати: Кайнар. 2001; 208 с.

⁵ Мунавварқори Абдурашидхонов. Хотираларимдан Т. Шарқ 2001; - 69 бет.

⁶ Mehmet Saroy/ Ataturknin Sollyt Politikasi; Istanbul; 1990. 395 S.

⁷ Ahad Andijon Cedidizm'den Baqimsizligiga Turkistan Mucdelesi; Birinci Baski; Istanbul. 2003.- 942 S.

⁸ Vas Turkistan. Turkistan Milli Istiklol fikrida xizmet etuvqi Aeliq Mecmu'a. Turkistan Mille Istiklee Fiekrine Eden Aylik Dergi. Basyazavi Mystafa Ej kay ogly. jildi (1-13 sayilar) 1929-1930. Istanbul 1997.- 496 S. Turkistanda Venelik braveketleri ile Jhtilalleve 1900-1924; Osmon Hossa Anisina Jncelemelen Hozihya yan Edidie Timur Kosa ogly Sota Haavlen 2001 (Турк, инглиз, немис тилларида) 476 S.

ўрганилмаганлигига гувоҳ бўлинди. Бу эса мазкур мавзуни магистрлик диссертацияси сифатида тадқиқ қилиш имкониятини беради.

Тадқиқотнинг илмий-назарий янгилиги: Диссертацияда илк бор хориждаги ўзбек миллий матбуоти ва чет эл ўзбекларнинг миллий уюшма ҳамда ташкилотлари тарихи яхлит ҳолда ўрганилди.

- Тадқиқот давомида муҳожир ўзбекларнинг ижтимоий таркиби анализ қилиниб, улар орасида зиёлилар, диний уламолар, ижодкор ва журналистлар ҳам мавжуд бўлганлиги таҳлил қилинди.

- Муҳожир ўзбекларнинг миллий матбуотчилик фаолияти билан боғлиқ тарихий босқичлар, ўзбек тилида вужудга келган дастлабки матбуот органлари, уларда илгари сурилган ғоялар аниқлаштирилди.

- Чет эл ўзбек матбуотчилик тарихида нисбатан мавқели таъсирчан кучга эга бўлган, «Йени Туркистон» (Янги Туркистон), «Ёш Туркистон», «Туркистон», «Миллий адабиёт» каби мажмуа ва журналлар фаолияти асл манбалар орқали очиб берилди.

- Хориждаги ўзбекларнинг миллий ассоциация ва уюшмаларининг шаклланиши, мақсад ва вазифалари, улар таъсисчилари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

- Чет эл ўзбеклари ташкил қилган миллий уюшмалар Туркия Республикаси, Ғарбий Германия (Собик ГФР), АҚШ, Австралия, Шарқий Туркистон (ХХР, Шинг-Жонг-уйғур мухтор райони) каби минтақаларда ўзбек ва Туркистон миллатларини бирлаштиришда фаол бўлганлиги тарихий-хронологик кетма-кетликда ёритилди.

- Муҳожир ўзбеклар томонидан асос солинган матбуот органлари ва миллий уюшмалар фаолиятининг тўхтатиб қўйилиш сабаблари, Шарқ мамлакатларида бу йўналишда ўзбеклар зич бўлиб яшасада кенг кўламда ишлар олиб борилмаганлигининг сабаблари аниқлаштирилди.

Диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти: Тадқиқот материалларидан “Ўзбекистон тарихи” ва “Ўзбекистон матбуоти” тарихи фанларидан фундаментал асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш

мумкин. Шунингдек, диссертацияда келтирилган тарихий далил ва рақамлар, илмий хулосалар олий ўқув юртларидаги Тарих, Филология, журналистика факультетларидаги талабаларга махсус курслар ўтишда илмий-амалий ёрдам беради. Диссертация материаллари асосида ўрта махсус ўқув юртларидаги талабаларга амалий машғулотлар, махсус семинар дарслари уюштириш мумкин.

Тадқиқотнинг жорийланиши: Диссертация мавзуси Бухоро Давлат Университети «Тарих» кафедраси йиғилишида ва университет илмий-техник кенгашида муҳокама қилиниб тасдиқланган. Тадқиқот юзасидан Бухоро Давлат Университетининг 2011-2012, 2012-2013 ўқув йилларида ўтказилган анъанавий илмий анжуманларда маърузалар қилинган. Диссертант магистрантларнинг илмий анжуманлари тўпламида иши юзасидан иккита илмий мақола чоп эттирган. Бухоро вилоятидаги бир қатор коллеж ва лицейларда, Бухоро вилоят ўлкашунослик музейида мавзу юзасидан маърузалар ўқилган.

Диссертациянинг назарий-методологик асоси: Тадқиқотда тарихий изланишлар олиб боришнинг тарихий-хронологик изчиллик, объективлик, холисоналик, қиёсий таҳлил, анализ-синтез, синхроник, синегретик ёндашув каби методларидан фойдаланилди. Диссертацияда ўрганилаётган масалаларга умуминсоний қадриятлар ва миллий қадриятларнинг уйғунлиги ҳамда цивилизацион ёндашув нуқтаи назаридан қаралди.

Ишни миллий истиқлол мафкураси ва миллий манфаатлардан келиб чиқиб баён қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асар ва нутқлари муҳим илмий методологик асос бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон халқи ва унинг давлатчилик тарихи илмий концепсияси бу борада асосий концептуал йўл-йўриқ бўлди.

Диссертант ишида Республика тарихчи олимларидан Д.А Алимова, Қ.К Ражабов Т. Шамсутдинов. Д.Х. Зияева, Ш.Хайитов сингариларнинг назарий хулоса ва тавсияларидан ҳам методологик асос сифатида фойдаланди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар, илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми компьютерда чиқарилган бетни ташкил этади.

I боб. Ўзбек (Туркистон) диаспорасининг ташкил топиши ва хорижда дастлабки миллий матбуот органларига асос солиниши.

I.I.Ўзбекларнинг дунё бўйлаб тарқалиши, зиёли ўзбек муҳожирлари.

Ўзбек (туркистонликлар) диаспораси узоқ асрларга бориб тақалади. Диаспора юнонча атама бўлиб “тарқалмоқ”, “тарқалиш” деган маъноларни англатади. Тарихий атама сифатида ўз юртидан турли сабабларга кўра кўчиб кетишга мажбур бўлган , ўзга мамлакатларда яшаётган халққа нисбатан “диаспора” атамаси қўлланилади.

Тарихнинг турли босқичларида ўзбек халқига мансуб бўлган кишилар муҳожирликка маҳкум этилганлар. Истиқлолга қадар хориждаги ўзбеклар ҳақида етарли маълумотларга эга эмасдик .

Ҳизирги пайтда ўзбеклар дунё бўйлаб тарқалган. Булар АҚШ, Туркия, Германия, Саудия Арабистони, Сурия, ХХР, Эрон, Афғонистон ва бошқа давлатларда истоқомат қилишади.

Ўзбек диаспорасининг вужудга келиши совет ҳокимияти йилларига (1917-1991 йиллар) тўғри келади. Улар совет ҳокимияти даврининг уч босқичида хорижга ўтиб кетганлар.

1. 1917 -1924 йиллар. Бу давр Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши билан характерланади. Истиқлолчилик ҳаракати туфайли урушлар авж олган, миллий ҳукуматлар тугатилган, маҳаллий халқ урф-одатлари поймол қилиниб советлаштириш сиёсати авж олган. Бу эса муҳожирликни кенг тус олишига сабаб бўлган.

2. XX асрнинг 20-30 йиллари. Бунда асосий сабаблар мамлакатимизда ўтказилган 1921-1922, 1925-1929 йиллардаги икки босқичли ер-сув ислоҳоти ва 1929-1933 йиллардаги жамоалаштириш, қулоқлаштириш сиёсати кабилар туфайли хорижга кетиш оммавий тус олган .

3. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1941 йй). Асирга тушиш ва турли сабабларга кўра хорижда қолиб кетган муҳожирлардир¹.

1917 йилнинг феврал ойида юз берган инқилобий ўзгаришдан сўнг Туркистондаги озошлик учун курашувчи кучлар майдонга чиқдилар ва “Шўроий Исломиий” , “Шўроий Уламо”, “Иттифоқи Муслимин” каби ўзларининг миллий ташкилот ва партияларини туздилар. Октябр тўнтариши ва ундан кейинги тарихий воқеалар, Туркистон мухториятининг қонга бостирилиши совет даври сиёсий муҳожирлиги бошланиши Туркистонда рўй берган ушбу тарихий воқеа билан узвий боғлиқ. Мухториятнинг тор-мор қилиниши ва унинг тарафида турган айрим аъзолар чет элларга муҳожирликка кетишга мажбур бўлишган.

Бухорода амирлик тартиби ағдарилгандан сўнг (1920 йил 2 сентябрь) қизил аскарларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларининг халқдан мажбуран тортиб олиниши, хусусий савдонинг ман қилиниши, солиқларнинг тартибга солинмаслиги, аҳолининг асрлар бўйи вужудга келган миллий урф-одат ва анъаналарини менсимаслик, халқнинг динга мунособатини ҳисобга олмаслик аҳолини совет давлатига нисбатан ишончини йўқотди. Натижада аҳолининг кўп қисми Шарқ мамлакатларига, асосан Афғонистон ва Туркияга қочиб кета бошлади.

Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон билан бирга Афғонистонга 50 минг хўжалик, 200 минг киши ўтиб кетган².

1920 йил 1 февралда Хива хони Саид Абдулла тахтдан ағдарилгандан сўнг янги тузум ўрнатила бошланади. Советлар шу йилнинг ёзида туркман ҳарбий бошлиқлари Ғуломали ва Қўшмамадни Бухорони босиб олиш учун ёрдамга юбориш баҳонасида Хивага таклиф қилишади. Қизил аскарлар ярим тунда тўсатдан ҳужум қилиб уларни қиличдан ўтказди. Қочишга улгурган Ғуломали мол-мулкни ташлаб қочган.

¹ Ҳайитов Ш ва б. Хориждаги ўзбеклар.// Фан ва турмуш. 1992.-№2.-Б.11.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT. 2008.- Б 55.

Уларнинг кўплари минг чақирим йўл босиб, Каспий денгиз қирғоқларигача етиб келганлар ва Эрон давлатидан бошпана топганлар¹.

Туркистонлик ўзбек муҳожирларнинг Шарққа ва Ғарбга кетишларига кўприк вазифасини Афғонистон мамлакати ўтаган, бир кўприк эмас, ҳатто қўним ва муқим яшайдиган жой вазифасини ҳам ўтаган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича 1939 йилда бу мамлакатларда ўзбеклар сони 200 мингдан 800 минггача, 1962 йилда америкалик олим Шурман Афғонистондаги ўзбеклар сонини 500 мингдан 1 млн.га яқин деб ёзган². Ҳозирги пайтда Афғонистонда 1,5 млн.дан кўпроқ ўзбек истиқомат қилади³.

Хуллас, ўзбек диаспораси яъни муҳожир ўзбекларнинг дунё бўйлаб тарқалиши 1980 йилларнинг охирига қадар давом этган. Шунингдек, 1990 йилда хорижнинг 32 мамлакатига ўзбек миллат вакиллари истиқомат қилишган. “Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра хорижда уч миллионга яқин ўзбеклар яшайдилар. Улардан икки миллиони ўзбекистонлик ўзбеклардир”. “Ҳужжатларида Саудия Арабистонида -500 минг, Туркияда-110 минг⁴ айрим манбаларда 3 миллиондан ортиқ дейилади⁵, Хитойда-13 минг, АҚШда -3 минг, ГФРда- 1 минг, Покистонда -6 минг, Австралияда -23 -30 оила атрофида, Данияда – 50 оила, Голландияда – 47 хонадон, Англияда- 20-25 оила, ҳатто Бельгияда 2 оила ўзбеклар яшайдилар”⁶-каби маълумотлар учрайди.

Муҳожир ўзбеклар юқорида келтирилган мамлакатларнинг асосан марказий ва йирик шаҳарлари ҳамда вилоятларида истиқомат қилишади. Улар Қобул, Қандаҳор, Саманган, Жузжон, Қундуз, Сарипул, Акча, Мукр райони Балх (Афғонистон), Макка, Мадина, Тоиф, Жидда, Ал-Риёд (Саудия Арабистони), Истанбул, Адана, Анқара, Измир, Кўня (Туркия),

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б 47.

² Ориф Усмон. Хуросон ўзбеклари.// Мулоқот. № 4. –Б.43-47.

³ Ҳайитов Ш. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Автореферат. т.ф.док.. дисс... Т. 2008. – Б.56.

⁴ Усмонов И.Соҳилган интилаётган тўлкинлар. //Мулоқот.№ 6. –Б. 65-70. Аҳмедов Б. Ўзбеклар // Мулоқот; 1991; № 1; - Б. 53.

⁵ А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. Ватан туйғуси.Т. 1996. –Б. 144.

⁶ Ҳайитов Ш. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Автореферат. т.ф.док.. дисс... Т. 2008. –Б.56 .

Ёркент, Хўтан, Қошғар, Чугучағ, Урумчи, Ғулжа (ХХР), Дамашқ (Сурия), Карачи, Лаҳор, Пешовар (Покистон), Оман, Ирбид (Иордания), Бомбей, Дехли (Ҳиндистон), Нью-Йорк, Вашингтон, Филадельфия, Чикаго, Лос-Анжелос, Сан-Франциско (АҚШ), Мельбурн, Сидней, Аделанда (Австралия), Копенгаген (Дания), Амстердам (Голландия)да яшашади¹.

1922-1923 – йилларда БХСР, ХХСР ва Туркистон АССР ҳукуматлари истиқболни ўйлаб маҳаллий миллатларнинг вакиллари орасидан иқтидорли ёшларни танлаб, Германия, Туркия, Япония каби мамлакатларга ўқиш учун юборишган. Бироқ совет ҳукумати 1924 йилдан бошлаб юқоридаги республикаларни тугатиб, улар томонидан ўқишга юборилганларни ортга қайтариш ва охир-оқибатда собиқ талабаларни “Ватан хоини” сифатида таъқиб этиш сиёсатини юритди. Ўзбекистонга қайтмай хорижий Германияда қолиб кетган 14-16 нафар Ўзбекистон талабалари немислар юртидаги олийгоҳларни битириб Туркия Республикасига кўчиб ўтдилар.

1926-1930 йилларда Германиядан Туркия Республикасига кўчиб ўтган ўзбек зиёлилари ушбу мамлакатнинг бир қатор олийгоҳларида фаолият юритиб, фаннинг турли соҳаларида йирик муваффақиятларни қўлга киритдилар.

“Уламолардан Саид Мубоширхон ат-Таррозий (1894-1991), Алихонтўра Соғуний (1885-1976) кабиларнинг умри муҳожирликда ўтди. Шунингдек, хориждаги ўзбек зиёлиларидан филология профессори Бурхон ал-Бухорий (Сурия), ҳуқуқшунослик профессори Шохмурод Илҳом (Гамбург, Германия), нейробиолог, Орсей университети профессори Ҳасан Парвес ал-Бухорий (Франция), медицина доктори Мурод Аҳмедов (Мюнхен, Германия). АҚШлик олима аёллар: Зулфия Назар, Мунаввар Олғун, фалсафа доктори Боймирза Ҳайит (Кёльн, Германия) шоир ва ижодкорлардан Талъат Носир (ХХР), Саид Акмалиддин Парвона, Шарофиддин Шароф (домло Бедил), Садриддин Интизор (Афғонистон),

¹ Ҳайитов Ш. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Автореферат. т.ф.док.. дисс... Т. 2008. -Б.56.

Эргаш Учкун (АҚШ), Ш.Аҳмадий, Камол Андижоний (Тошқин), Шайх Саббоқ Бухорий (Саудия Арабистони), Ориф Ойнарул, Темур Хўжа, Собир Сайхонли (Туркия)”¹ каби шахслар ҳам муҳожирликка маҳкум этилдилар. Уларнинг сафини яна ҳам давом эттиришимиз мумкин, фан докторлари, профессорлар даражасига эришган Саидали Анкара, Иброҳим, А.Ёрқин, Тоҳир Чигатой, Мажид Ўқой, Саида Ўқой, Аҳмаджон Иброҳим Ўқой кабилар Истанбул ва Анкара университетларида физика, менерология, қишлоқ хўжалиги, тил, тарих, социология, география каби фанлардан талабаларга сабоқ бердилар, ўнлаб илмий асарлар яратдилар. Улар учун тадқиқот объекти ота-боболар юрти “Ўзбекистон масаласи” бўлди, десак хато бўлмайди. Иброҳим Ёрқин “Кивиржак” зотидаги қўчқорлар турини яратди. У фалсафа, иқтисод ва социология соҳаларида ҳам асарлар ёзди, ҳамда 1939-1948 йилларда Туркия Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлигида ишлади. Тоҳир Чигатой “Қизил империализм” номли етти китобдан иборат “Туркистон библиографияси”ни тузди. Мажид Ўқой амалий кимё соҳасида бир қатор кашфиётлар қилиб, ўнлаб олий малакали мутахассислар етиштиришдек хайрли ишга ҳисса қўшди. Тоҳир Чигатой 1931 – йилдаёқ “Туркистоннинг ер ости бойликлари” номли китобини чоп эттирганди.²

Юқоридаги маълумотларни келтиришдан мақсад Германиядан Туркияга бориб бир умр яшаб қолган собиқ талабалардан бири Аҳмаджон Иброҳим Ўқой ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтишдир. Аҳмаджон Иброҳим ўғли 1900 йил 10 октябрда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси кўнчилик фабрикасига эга бўлган тижоратчи Иброҳим ҳожи Каримбоев бўлиб, онаси ҳунарманд оиласидан Исматуллоҳ қизи Сифатхонимдир. У илк ва ўрта маълумотни Тошкентда олди. Германия сафарига қадар Аҳмаджон Иброҳим 1907 – 1910 йилларда бошланғич мактабда, 1910 – 1911 йилларда мадрасада, 1911 – 1914

¹ Ҳайитов Ш. XX аср ўзбек муҳожирлиги тарихи. Автореферат. т.ф.док.. дисс... Т. 2008. – Б.56.

² Ҳайитов Ш. Муҳожирлик на шодлик на ғам. Бухоро 2007. –Б.116. Турдиев Ш. Олмониялик Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрел, 1993, 28 май. Шу муаллиф. Туркистон ташқарисидagi турклар библиографияси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 7 август.

йилларда рус-тузем мактабида ҳам ўқиган. 1922 йилда эса бир гуруҳ ёшлар билан олий маълумот олиш учун Берлин (Германия)га юборилган эди. Бу ҳақда Аҳмаджон Иброҳим ўз қўли билан 1941 йилда ёзган “Таржимаи ҳол”ида: “Туркистондан Германияга 74 талаба ўқишга юборилди. Германияга юборилган талабаларнинг 56 таси Бухоро жумҳуриятидан, 16 таси Туркистон жумҳуриятидан, 2 та талаба Хива жумҳуриятидан эди”¹ - деб ёзган эди. Туркистонлик талабалар каторида Германия пойтахти Берлинга юксак орзу-умидлар билан етиб келган А.Иброҳим немис тилини иштиёқ билан ўрганади. У кўп ўтмай Германия Олий техника мактабининг I курсига ўқиш учун қабул қилинди. 1926 йилда А.Иброҳим билан бирга Берлин Олий техника мактабида Саидали Усманий, Абзал Абдусайд, Билол Фатҳулла, Султон Матқул, Тўлаган Мўмин, Атаулла Садриддин, Собир Иброҳим каби ватандошларимиз таҳсил олишганди.² Техника дорилфунунининг маъданчилик бўлимида аъло баҳоларда таҳсил олган Аҳмаджон Иброҳим 1930 йилда ўқишни тугаллайди.

1923 йилда Берлинда “Туркистон талабалари уюшмаси” (кейинчалик “Ўрта Осиё талабалари иттифоқи”) тузилиб унинг аъзолари “Кўмак” номли журнални чоп эттирдилар. Ушбу журналнинг 1-сониди Аҳмаджон Иброҳим “Техника ва биз” номли мақола билан чиқиб: “Туркистон каби маъдан ва ўсимликларга бой ўлканинг оғир аҳволи, унда ҳамон замонавий завод ва фабрикаларнинг камлиги, уларни бошқарувчи олий малакали миллий кадрларни етишмаслигидир”³ – каби ўз даври учун ҳақли фикрларни баён қилганди.

1933 йилда А.Иброҳим геология соҳасида олиб борган илмий изланишларининг натижаси ўлароқ докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди. 1934 йилда у Туркия Республикасига кўчиб ўтади ва ўзига “Ўқой” деган туркча фамилия олади. Чунки ўша пайтда Туркия ҳукумати ушбу мамлакатда доимий яшаб қолган, турк

¹Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 28 май.

² Ҳайитов Ш. Муҳожирлик на шодлик на ғам. Бухоро 2007. –Б.116.

³ Турдиев Ш. Олмонияда Туркистонлик талабалар // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 16 апрел.

фукаролигини қабул қилган бошқа миллат вакилларининг барчасига туркча фамилия олиш билан боғлиқ шарт қўювчи қонун қабул қилган эди. “Ўқой” - бу ўқ ва ёй (ой) қўшилишдан иборат маънони англатган. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой Истанбул дорнилфунунининг “Фанлар факультети” қошидаги “Геология институти”да Туркияга кўчиб ўтган 1934 – йилдаёқ иш бошлайди. Ушбу илм даргоҳида унга самарали меҳнати туфайли аввал доцентлик, кейинчалик профессорлик илмий унвонлари берилади. А.Иброҳим ушбу даргоҳда талабаларга минерология, петрография, кўмир петрографияси, умумий геология ва маъдан конлари мутахассисликлари бўйича маърузалар ўқиди, амалий машғулотлар ўтди. А.Иброҳим Ўқой ўзбек тилидан ташқари араб, форс-тожик, рус, олмон, турк ва инглиз тилларини ҳам пухта биларди. У туркология ва сиёсатшунослик билан ҳам шуғулланиб, Анвар пошо ва Амир Темурга атаб китоблар ёзган. Бироқ ушбу нашрлар билан биз ҳанузгача таниш эмасмиз. Аҳмаджон Иброҳим Ўқой 1991 йилда вафот этди ва Истанбулдаги Аранкўй қабристонида дафн этилди.

Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, муҳожир ўзбеклар орасида зиёлилар ҳам оз сонли эмасди. Улар хориждаги ўзбекларни бирлаштириш мақсадида уюшма ва матбуот органларига асос солишнинг олдинги сафларида бўлдилар.

I.2.Туркистонликларнинг илк миллий матбуоти.

а) „Ени (Янги) Туркистон” журналининг фаолияти

Туркистон мухторияти ҳукумати бошлиғи ва ташқи ишлар вазири Мустафо Чўқай (1886-1941йиллар) ва “Шўрои Исломия ” ташкилотининг Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Шерали Лапин муҳожирликка кетишди. Кейинчалик М.Чўқай Франция пойтахти Парижда яшайди. Ш. Лапин эса Германиядан Туркистонга қайтади ва 1919 йили Самарқандда вафот этган Шоҳизинда қабристонида дафн этилган¹.

Мустафо Чўқайнинг Европадаги фаолияти “Туркистон Миллий Бирлиги” (қисқача ТМБ дейилади) ташкилоти билан боғлиқдир. Бу ташкилот аъзолари рус мустамлакачилигига ҳам, амир ҳокимиятига ҳам қарши бўлган туркистонликлардан ва бухороликлардан иборат бўлган, 1920 йилдаёқ Қобулда Усмон Хўжа ва Хожа Исомиддин Қоровулбегидан иборат вакиллари бор эди. 1923 йилда ташкилотнинг Олмония ва Францияда ҳам вакиллари ишлай бошлади. 1924 йилда Берлинга келган М.Чўқай ташкилотнинг вакили ўлароқ ишга киришиб, конгресс ташкил этиб, “ТМБнинг хорижий комитети” ни тузди. Ташкилотнинг иккинчи конгресси қарорига кўра, М.Чўқай ва бухоролик Аҳмад Наим вакил ўлароқ, Париждаги кавказлик ва украиналиклар билан биргаликда ишлашга, рус мустамлакачилигига қарши бир жабҳада курашишга келишди (1927 йил февралда)².

Улар украин ва кавказ муҳожирлари билан бирлашади ва "Прометей" журналини чоп этадилар. ТМБ чилар 1927 йилдан ушбу ҳаракатга қўшилдилар ва “Прометей” туркистонликларнинг ҳам матбуот органи бўлиб қолган ва журналнинг 1927 йилда чоп этилган 8-сониди М. Чўқай ўғлининг мақоласи босилиб чиқади. 1928 йилдаги “Прометей”

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б 41

² Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун Т.Чўлпон. 1994; -Б. 87

сонларидан бирида Мустафо Чўқай ўғли “Туркистонда истиқлол мафкураси” деган мақоласини эълон қилди¹.

1929 йил Варшавада Туркистон истиқлоли мавзuida конференция бўлди. Бу унинг “прометейчи”лардан айрилиб, фақат ТМБга боғланганини билдирарди. Шунинг учун Керенскийнинг “Дни” (Кунлар) газетасида “энди Мустафа Чўқайни ҳам йўқотдикми” деган мазмунда мақола берилган². М.Чукай рус мухожирларининг "Дни" газетасида ҳам турли номлар билан мақолалар эълон қилдиради. Бироқ "Прометейчилар" жамияти 1930 йилларда парчаланиб кетади.³

Бу ҳодисалар натижасида М.Чўқай ТМБнинг бир нашри бўлиши шартдир, дея бу ишга қаттиқ киришади. Тукистон Миллий Бирлиги ташкилотининг 2 конгрессидан сўнг, Истанбулда, турк тилида 1927 йил июндан “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) ойлик сиёсий, адабий ва илмий мажмуа чоп этилган⁴. “Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журнали 1927-32 йилларда чоп этилиб, 1928 йил охиригча чиққан 16 та сонига Закий Валидий Тўғон ва Абдуқодир Инон раҳбарлик қалганлар. 26 сонигача Усмон Хўжа ва Мажидиддин Аҳмад, 27-сонидан охириги 39 сонигача Носир афанди ва Мажидиддин Аҳмадлар раҳбарлик қилганлар⁵.

1927 йилдан бошлаб Усмон Хўжа ўз фикрдоши Мажидиддин Аҳмад билан бирга Истанбулда "Йени Туркистон" ["Янги Туркистон"] журналинини чиқара бошлаганди.

"Янги Туркистон" журналининг 1927 йил 1-сонига Усмон Хўжанинг "Туркистонда турк адабиётининг мафкуравий таҳаввулларина умумий бир назар" номли назарий аҳамиятга эга бўлган мақоласи ўрин олган⁶.

Бу мақоланинг муҳимлиги шундан иборатки, унда Усмон Хўжа Советлар томонидан қаттиқ танқид қилинаётган шоир Чўлпонни биринчи

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун Т.Чўлпон. 1994; -Б. 88. Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б.130. Мухожирлик на шодлик, на ғам Бухоро. 2007.- Б.11.

² Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун Т.:Чўлпон: 1994; -Б. 88.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207.

⁴ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун Т.:Чўлпон: 1994; -Б. 88; Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207; Мухожирлик на шодлик, на ғам Бухоро. 2007.- Б.11.

⁵ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.:Чўлпон. 1994. –Б.111.

⁶ Интернет маълумоти.

бўлиб ўз ҳимояси остига олганди.

Усмон Хўжанинг ўша мақолада ёзишича, "миллият мафкурасида халқчилик асослари"нинг куртаклари кўрина бошлаган ва бу адабиётда ҳам ўз ифодасини топган.¹

Усмон Хўжа мақоласида Чўлпон қаламига мансуб "Халқ" ва "Зиёи камар" шеърларини келтириб, таҳлил этади. "Халқ" шеърини "миллият мафкурасида халқчилик асосларини" кўрсатиш учун келтириб, бу шеър хусусида яна шуларни ёзади: "Бу даврнинг махсулларида ўлан [бўлган] бир ганч [ёш] шоир умиду имон хусусида сўйладиги "Халқ" унвонли шеърини дарж айладим [қайд этдим]. Токи Туркистон халқининг бу кунги ҳақиқий туйғуларина қорилар, яқиндан ошно (б)ўлсунлар".²

Усмон Хўжа шоир Чўлпон шеъриятига оид фикрларини жамлаб, "идрок эттигимиз бу давраи адабия Туркистоннинг истиқболи учун пек муҳим ҳаётий бир даври адабидир. Бу давра улғая!"- деб, башорат қилган эди.³

Айрим маълумотларда журналнинг 24 та сони, айрим маълумотларда эса 46 та сони араб имлосида ўзбек тилида чоп этилган деб қайд қилинади. 1930 йилнинг сентябридан бошлаб лотин имлосида чоп этилган жаъми: 39 та сони чиққан⁴.

“Йени Туркистон” (“Янги Туркистон”) журнали муҳожир ўзбеклар орасида миллий ғоя ва мафкурани тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган. Унинг саҳифаларида эълон қилинган мақолаларда совет ҳокимияти олиб борган “қулоқлаштириш”; “жамоалаштириш”; “қатағонлик” сиёсатлари билан боғлиқ салбий жиҳатлар очиқ таҳлил қилинган. Муҳожир ўзбекларда миллий ўзликни англашда мажмуа таъсирчан воситага айланганлиги муҳимдир.

¹ Интернет маълумоти. www.e-tarix.uz.

² Интернет маълумоти. www.e-tarix.uz.

³ Интернет маълумоти. www.e-tarix.uz.

⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207.

б) „Ёш Туркистон” журнали ва унинг таснифи

Мустафо Чўқай ўғли нашр этган ва бош муҳаррири бўлган “Ёш Туркистон” журнали Берлинда, 1929 йил декабрдан 1939 йил августигача чиққан. 1939 йил августда советлар ва немислар ўртасида аҳд тузилгандан кейин журнал фаолияти тўхтатиб қўйилди¹. Журналнинг дастлабки сони Франция (Париж)да чоп қилинган.

"Ени Туркистон" мажмуаси чоп этилаётган бир даврда Мустафо Чуқай ўғли 1929 йилнинг декабр ойида Парижда (Франция) "Ёш Туркистон" мажмуасини чоп қилдирди. Ушбу журнал биринчи сонининг муқоваси ички қисмида: "Ёш Туркистон миллий истиқлол фикрига хизмат этувчи ойлик мажмуадир"² деб ёзилган. "Ёш Туркистон" журналининг биринчи сони мундарижаси билан танишар эканмиз, мажмуа асосан уч бўлимдан иборатлигига гувоҳ бўламиз. Дастлабки икки бўлим "Сиёсий", "адабий" бўлимлар бўлиб, охириги бўлим эса "Туркистон хабарлари" деб номланган. Журналнинг хажми 40-56 саҳифа атрофида бўлиб, унинг биринчи сонидан эълон қилинган "Бизнинг йўл" номли мақолада: "Йўлимиз ва мақсадимиз биз Туркистон истиқлолчилари элимизнинг эрки ва юртимиз Туркистоннинг қутилиши учун курашамиз жумласида хулоса этила биладур. Туркистонликларга мундан бошқа йўл йўқ. "Ёш Туркистон" хажми ва эътибори билан кичик бўлса ҳам озод ва мустақил Туркистон байроғини кўтариш каби вазифани устига олиш ва у йўлда хизмат қилиш билан буюқдир"³ каби фикрлар ёзилган. "Ёш Туркистон" саҳифаларида 1917-1930 йилларда совет давлати олиб борган буюқ миллатчилик сиёсати ва унинг салбий оқибатлари, Туркистондаги "босмачилик" ҳаракати, унинг моҳияти, қўрбошилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тафсилотлар "пахта якка ҳокимлиги" сиёсати, Ўрта Осиёда ер сув ислоҳоти, коллективлаштириш, қулоқлаштириш қабила билан боғлиқ жараёнлар, хориждаги туркистонликлар ҳаёти, коммунистик партиянинг

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон. 1994. –Б.88.

² Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон. 1994. –Б.89.

³ Ёш Туркистон. 1929 йил, 4 декабрь. №1.2 б.,

диктаторликдан иборат хукмронлиги каби масалаларни қамраб олган долзарб мақолалар ёзилган.

"Ёш Туркистон" саҳифаларида совет ҳокимияти мамлакат ичкарисиди ҳам аҳолини мажбуран кўчириш, (депортация қилиш), ер ва ҳудуд масалаларида миллатлар можаросини вужудга келтириб турганлиги баён қилинган. "Тифлисида чиқарилган "Заря Востока" (рус тилида) 14 февраль (1930) сониди "Фарғонадан 500 уйли йўқсул ўзбек хўжалиги Озарбойжонга кўчирилмакчи бўлди. Бу 500 ўзбек оиласини Озарбайжоннинг пахта экадурғон ерларига птсармакчилар деган қисқа бир хабар бошланди. Мана рус ҳукуматининг миллий сиёсати: Туркистонга русларни келтириб, туркистонликларни ўз юртидан чиқаришга бошламоқдадур"¹ деб ёзилади "Ёш Туркистон" мажмуасиди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги жараёнларни таҳлил қилар экан мажмуа 1924-1925 йилларда Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланишидан сўнг ҳудудий можаролар кескинлашганлигига эътиборни қаратади. "Ёш Туркистон"да " Ўзбекистон ва Тожикистон орасиди тупроқ масаласиди жанжал чиққан. Тожикистоннинг талаби бўйича Хўжанд доираси Ўзбекистондан ажратилиб Тожикистонга қўшилғон эди. Ундан кейин Тожикистон Самарқанд, Бухоро ва Сурхандарё округларини ўз ичига қўшишни талаб этди.

Ўзбек ва тожиклар ўртасиди тупроқ масаласини ечиш учун Москвада машҳур чекист Петерс раислиги остида бир комиссия тузилган. Бу комиссия 12 февраль 1930 йилда ўз қарорини чиқарди. Бу қарорга кўра Сурхандарё Тожикистонга берилиб, Самарқанд ва Бухоро Ўзбекистонда қолдириладур"² деб ёзилган.

"Ёш Туркистон"нинг адабиёт бўлимида чоп этилган шеърӣй ва насрий асарлар асосан озодлик ва ҳурликни мадҳ этган шоирлар ва ижодкорлар А.С.Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Элбек, Мағжон Жумабоев

¹Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан деа Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро. 2005.-Б.123.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT.2008.- Б 128.

ўғли Элтар, Туйғун кабилар қаламига мансубдир. Чўлпоннинг "Япроқлар", Магжоннинг "Туркистон", "Олисдаги Бавария", Элбекнинг "Қуролга", "Ёш Туркистон"га Олтой Нуённинг "Шарқда нафрат ва қон", А.Фитратнинг "Миррих юлдузига", Туйғуннинг "Тирналган яралар", Элтарнинг "Туркистон кўрбошиларига" каби шеърларини ўқиш мумкин. *Мустафо Чукай "Ёш Туркистон"нинг муҳаррири бўлиш билан бирга унда мутассил ўз мақолалари билан қатнашиб турган. Унинг журнал саҳифаларида эълон қилинган "Туркистонда пахта атрофида кураш", "Большевиклар тарихни қандай ёздилар", "Туркистон ленинчиларига жавоб", "Керенский ва Туркистон миллий ҳаракати", "Қозоғистон ўн йиллигига", "Туркистон фирқа қурилтойларига", "Жаллодлар провокацияси", "Мафкура майдонида кураш", "Муҳториятдан истиқлолга" ¹ каби ўнлаб мақолалар ёзади.

"Ёш Туркистон"нинг 1933 йил июл 44 – сонининг мундарижасида билан танишар эканмиз унда: "Миллий ғоя қурбонлари", Темурўғлининг "Туркистонда маориф ишлари бориши", Тўхтамиш ўғли ёзган "Турк ғозитачилиги" ва "Туркистон хабарлари" бош мақолалари ўрин олган.

"Миллий ғоя қурбонлари" деган бош мақолада Олий Суд ходимлари –"Буюк Маҳкама ишчиси" дейилади – тўртта туркистонликнинг отиб ўлдирилгани ҳақида маълумот беради. Мақоланинг давомида Туркистонни бошқараётган расмий кишилар ичида жиноятчилар ҳам борлиги ошқор этилади. Мисол бир Олий Иқтисод Шўроси раиси Посткутский унинг бўйнида 1923 йил Фарғонада очликдан ўлган 200 минг туркистонликнинг гуноҳи бор. Ўша йили экин экилмай қолган Фарғонадан ҳукумат белгиланган миқдордан икки марта кўп солиқ ундириб ҳамда Фарғонада турган қизил қўшинни таъмини учун халқни қўшинга талаттирган ва Фарғона аҳолисини очликдан ўлишга сабабчи бўлган. Мақола сўнгида Маҳв ўлсун Мўсқва қонли диктатураси! Яшасин хур ва мустақил Туркистон!² деб ёзилган.

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT. 2008.- Б 130.

² Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. Т.:Чўлпон. 1994. –Б.90.

Журналдаги Темуруғлининг “Туркистон маориф ишларининг бориши” мақоласида Туркманистон ва Қозоғистондаги саводсизликни тугатишдаги ишлар, мактаблар, ўқитиш ишлари ҳақида гап кетади. Туркманистондаги “Туркменская искра” ва Қозоғистондаги “Казакистанская правда” газеталаридаги саводсизликни тугатишга доир фактларни келтиради ва бу фактлар қанчалик ошириб ёзилганлиги ҳақида ўз фикрини билдирган.

“Турк ғазитачилиғи” мақоласида 1910 йиллардан Туркистонда жаидчиларни қаттиқ таъқиб қилингани, 1911 йилда фақат биттигина “Қозоғистон” газетаси чиққани, 1912 йилда эса бутун Туркистонда иккита газета – бири “Бухоройи шариф” , иккинчиси “Тужжор” нашр этилгани айтилади. “Бухоройи шариф”ни форс тилида чиқаришганди, у фақат мадрасаларга, сўнгра Эрон ва Афғонистонга ҳам тарқатилган. Туркистонлик кўпчилик аҳоли уни ўқиёлмаган шунинг учун уга илова тарзида “Турон”ни ҳафтада икки марта нашр эта бошлаганлар¹ . Бу икки газета Туркистонда энг кўп тарқалган, кўп ўқилган, иқтисодий, маданий, диний-тарихий белгилар берган нашрдир. Иккала газета ҳам 1913 йил бошидан тўхтатилган.

“Ёш Туркистон”нинг 1934 йилги 53 сонидида “Русия маҳожирот сиёсати бир қуш боқиши” номли мақола берилган, муаллифи – “Ёш тукистонлик”. Унда Россия тарихи, сиёсати, маданияти, иқтисодиётига оид қимматли маълумотлар берилган. Муаллиф бу мавзунини очишда Герхард вон Менденнинг 127 саҳифалик “Совет Иттифоқидаги қўлўнзасиёни (колонизациясини) ўрганиш” асари манба бўлган. Унда Чор Россиясининг аслзодалар ва оддий халқ ўртасидаги келишмовчиликдан сўнг Волга орқали Шимолий Кавказга, Урал ошиб Сибирга, Қирғиз далаларига, Туркистонга оқиб келишлари ҳақида маълумотлар учрайди. Бу келишнинг асосий сабаби ер масаласи юзасидан келиб чиққан. Мисол 1880 йилгача Сибир жиноятчилар сунгун

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон. 1994. –Б.94.

қилинидиган жой бўлган. 1801йилдан 1880 йилгача Сибирга 670000 жинойтчи ва сиёсий маҳбусга қарши 389000 муҳожир қишлоқи келтирилган эди. 1901 йилдан 1910 йиллар орасида 2.275.000 муҳожир борган бўлса, сургунлар сони 25.000 ташкил этган. Сибир ўлкаси “дахшатли ўлка” ҳолидан чиқиб бир “арзи мавъуд”га айланди” деб ёзган Менда ўз китобида¹.

"Ёш Туркистон"нинг 1929 йил декабрдан 1939 йил августига қадар Парижда 117 та сони туркий тилда араб алифбосида чоп этилган. Журнални чиқариш ва мақолалар ёзиш, танлашда Мустафо Чуқаевга Олтой Нўён, Темур ўғли, Элсар, Эрте́м Унгу, Болта Тошкентли кабилар ҳамкорлик қилганлар.

“Ёш Туркистон”да сиёсий ва бадиий характердаги асарлар билан бирга турк ва француз алифбосида Туркистон харитаси акс эттирилди. 1920 йиллардаги Муҳожир ўзбек зиёлилардан бири фан доктори Тоҳир Шокирнинг “Туркистонда пахтачилик” (Берлин-1934), “Миллий адабиёт фожеаси ва Туркистон ёзувчилари” (Берлин – 1935) номли китоблари журналнинг бир қатор сонларида босилган².

“Ёш Туркистон” журнали чоп этиб турилган салкам 10 йиллик тарихий босқичда ўз фаолияти билан муҳожир туркистонликларни озодлик ва мустақиллик учун курашда яқдил бўлишга даъват этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу журнал хорижда муҳожир ватандошларимиз орасида истиқлол ғояларининг тарғибот ва ташвиқот минбарига айланди.

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.Чўлпон. 1994. –Б.97.

² Садикова Б. Мустафа Чокай. Алматы, “Алаш”; 2004. – С.131-132.

II боб. XX аср 2- ярмида муҳожир ўзбеклар матбуоти.

II.1.Туркиядаги ўзбек миллий матбуоти .

XX асрнинг 2 – ярмида муҳожир ўзбеклар матбуот соҳасида салмоқли ишларни амалга оширдилар. Улар дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўз газета ва журналларини чиқардилар. Бу журнал ва газеталарда асосан озодлик, истиқлол,юрт соғинчи, Туркистон тарихи ва Туркистоннинг маданий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий масалалари ёритилган. Чиқарилган газета ва журналлар қайси мамлакатда муҳожир ўзбеклар зич ва кўп сонли бўлса ўша мамлакатларга юборилган.

Туркияда XX асрнинг 2–ярмида туркистонлик ўзбек муҳожирлари томонидан қуйидаги журналлар чоп этилган:

1953 йилда Истанбулда “Туркистон” ойлик журнали нашр эилган. Журналнинг апрелдан сентябргача олтита сони чиққан. Журналнинг эгаси ва маъсул мудир Зиёвуддин Бобоқурбон бўлган. Унинг бош муҳаррири – Шарқий туркистонлик зиёлилардан бири Муҳаммад Амин Боғро бўлган.

Туркистонлик Зиёвуддин Бобоқурбон берган маълумотларга қараганда: “Туркистон” журналининг пайдо бўлиши Шарқий Туркистонда яшаган дин арбоби М.А.Буғронинг Туркияга келиши билан боғлиқ. Туркистонлик ватандошлар “Шарқий Туркистон ёрдамлашма дерниги” жамиятини тузиб унинг атрофида бирлашадилар ва тез-тез учрашиб турадилар. Йиғинларнинг бирида бир журнал қуриш керак деган хулосага келишган. “Туркистон” деган журнални туркчага чиқаришга рухсат олишган.¹

Муҳаммад Амин Буғро 1901 йилда Хўтанда, ўрта ҳол оилада туғилган. Мадрасада ўқиган, араб ва форс тилларини яхши ўрганган. 1931 йилда яширин ташкилот тузади ва 1934 йилда ташкилотлар тугатилиб ўз ватанидан чиқиб кетади. Кашмирда, Афғонистонда яшади ва 1945 йилда ватанига қайтади. 1949 йилнинг 9 ой давомида Шин жонг вилояти таминот нозири, “Эрк” газетаси бош муҳаррири, Урумчи дорилфунуни профессори

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.Чўлпон. 1994. –Б.39.

бўлиб ишлайди. 1949 йил охири коммунистик инқилоб Шарқий Туркистонда ҳукуматни қўлга олгач у иккинчи марта юртидан кетишга мажбур бўлади. Аввал Ҳиндистонга, сўнгра Туркияга кетади. 1952 йилдан бошлаб Туркияда яшайди ва 1965 йилди шу ерда вафот этади.¹

Муҳаммад Амин Буғронинг “Туркистон” журналида 1953 йил “Туркистон тарихининг эски манбалари” мақоласи эълон қилинган. Унда Туркистон тарихини асослайдиган энг эски ёзувлар, ҳужжатлар, китоблар хусусида муҳим белгилар бор. Мақолада диний китоб “Таврот” китобидаги ривоятлар, Муғулистондаги Кўктурк ёзувлари, Эрон, Ҳинд манбалари, Юнон тарихчилари ва Хитой тарихчилари ёзиб қолдирган манбалардиги Туркистон тарихи, яшаган халқлари, ҳудуди ҳақидаги маълумотлар берилган.²

Журнални чиқаришга эътибор берсак молиявий маблағни Истанбулдаги муҳожир ватандошлар пул йиғиб чиқаришга, яъни бошқа журналлар жамиятнинг ҳисобидан чиқарилса бу жарида ҳар ким кўнглидан бир нарса чиқариб бериши, хайрия натижасида чиққан.

Журнал Туркия қонунларига мос равишда чиқарилган. Ўша пайтда Истанбулда 200 минг одам яшарди “Туркистон” журнали 1000 нусхада чиқарилган, 500 нусхаси асосан туркистонлик ватандошларга тарқатилган қолган 500 таси дунёнинг турли мамлакатларига юборилган,бу журналнинг олти таси сони чиққан холос.

“Туркистон” журналининг тўхтаб қолишига сабаб ўша пайтда байроқ масаласи қўзғалиб қолиши эди. Яъни ҳар бир жамият ўз байроғи остида бирлашиш учун ҳаракат бошлады шу мақсадда журнал тўхтаб қолди ...³ Яна бир сабаби молиявий маблағ томондан бўлган.

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.Чўлпон. 1994. –Б.67.

² Ўша жойда. –Б.66.

³ Ўша жойда. –Б.40

1956-1957 йилларда Анқарада “Туркистон сәси” (Туркистон овози) журнали чоп этилган. Шу йиллар журналнинг 11 та сони чиққан, эгаси ва бош муҳаррири Муҳаммад Амин Буғродир¹.

1960 йилларда Туркияда туркий халқларни бирлаштирувчи “Турк гечменлари” (“Туркий муҳожирлар”) конфедерацияси фаолият олиб борарди. Ушбу ташкилот туркий тилли муҳожирларнинг 7 та уюшмасини бирлаштирган.² Муҳожирлар жамиятлари конфедерациясини бухоролик Аҳмад Найим бошқарган. “Туркий муҳожирлар конфедерацияси” таркибига “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” ҳам аъзо бўлиб кирганди. Уюшманинг “Турк дуняча” (“Турк дунёси”) журналида муҳожир ўзбеклар ҳам ўз мақолаларини эълон қилишган.³

“Ғарбий Туркистонлар ёрдамлашма жамияти”нинг 1975-1977 йилларда ўз матбуот органи ҳам мавжуд бўлиб, бу “Хур Туркистон учун Истиқлолчи газета” деб номланган. Ташкилот Германиядаги “Туркистон Миллий Комитети” билан ўзаро алоқаларда бўлган. 1974-1976 йилларда доктор Боймирза Ҳайит унинг фаолияти билан танишиш мақсадида Туркия Республикасига келган.⁴ “Хур Туркистон учун Истиқлолчи газета”нинг мудирин Нуриддин Покюррак бўлиб, газетанинг ёзув ишлари Гундуғди Саруханўғли бўлиб, унинг асосчиси, эгаси, умумий нашриёт мудирин Зиёвуддин Бобоқурбон эди.⁵

Бу газета Туркияда, Америка, Европада, Осиё ва Африка минтақаларида яшаётган туркистонликлар ичида кенг тарқалди. Газетанинг 15 январда чиққан биринчи сониди: “Неден чиқийўруз” – нима учун бу газетани чиқаряпмиз маъносидаги бош ёзув бор. Унда: газетамиз номининг ўзиёқ мақсадимизни билдиради; биз бўлинмас, ягона Туркистон фикридамиз, Туркистон истиқлоли жабҳаси сайидамиз; эллик йилдирки,

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.Чўлпон. 1994. –Б.53.

² Мазкур бирлашмада крим татарлар жамияти, Урал, Волгабуйи турклари, Шимолий Кавказ. Туркистон халқлари, Болқон ярим ороли туркий тилли муҳожирлари кабилар ҳам бор эди.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.-Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 207.

⁵ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.Чўлпон. 1994. –Б.7. Мен бир ёшга тўлдим. // Халқ сўзи. 14.09.1992

Туркистон ичида ва ташқарисида миллий фикрга йўл берилмаётир биз бунга йўл истаймиз; истиқлол масаласини Туркистон миллий мустақилликка эга бўлгунча шараф билан ташиймиз; бошламоқ биздан, давом эттирмоқ сиздан... деган гаплар айтилган.¹

“Хур Туркистон учун” газетасининг илк сонидида иккита катта мақола ниҳоятда қимматлидир. Биринчиси, доктор А.Наим Ўктам ёзган “Туркистон миллий раҳбари” рукни остида берилган “Усмон Хўжа ўғли” ҳақидадир. Иккинчисини профессор Иброҳим Ёрқим битган, “Туркистоннинг адиб ва шоири” рукни остида берилган бу мақола “Маҳмуд Хўжа Бехбудийга” аталган. Доктор Наим Ўктам шундай ёзади: “Бу буюк одамнинг адабиётга мансубияти фақат туркистонликларнинг эмас, балки бутун Турк оламини ғурурларга ғарқ этмишдир. Усмон Хўжа курашдан чекинмаган, хуррият ва истиқлол ошиғи бир инсони комил эди. У ўзи учун эмас, турк миллатининг саодати, Туркистоннинг қутулиши ва мустақиллик учун яшади”.²

Мақолада Усмон Хўжанинг туғулиши, оила аъзолари, дастлабки таълим тарбия олган жойи ва Самарқанддаги “Ойна” журнали муфтиси Маҳмудхўжа Бехбудий билан тез-тез учрашгани баён қилинади.

1908 йилда Туркияда Конституция эълон қилиниши муносабати билан Усмон Хўжа ва Ҳамидхўжа Истанбулга келади. Уларни катта ҳурмат билан қарши оладилар бу ҳодиса рус элчиларини ҳаяжонга солади ва улар буни рус ҳукуматига билдиришади. Руслар ўртага одам қўйиб Бухоро амири Аҳадхондан бунинг тавсилотини сўрайди. Шунда амир “Улар мадраса талабалари илмий тадқиқот учун борган” деб жавоб қайтаради.

Усмон Хўжа қайтгандан сўнг янги усулдаги мактаблар очиб болаларни ўқитади ва бир вақтнинг ўзида Туркияга шерикларини ўқиш учун жўнатади. Файзулла Хўжа ҳам шу янги усулдаги мактабларда таълим

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон, 1994. –Б.7.

² Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон, 1994. –Б.10.

олган. 1917-1918 йиллардан бошлаб Усмон Хўжа хуррият ва мустақиллик учун курашади. 1920 йилда “Бухоро Халқ Жумҳурияти”да молия нозири бўлиб иш бошлайди.

Мақолада яна бир фикрга ойдинлик киритилган 1920 йилдан кейин Туркиядаги миллий кураш кескинлашади. Шунда Бухоро ҳукумати ёрдам сифатида юз миллион сўмлик олтин берди, деган фикрга ойдинлик киритилган.

Аслида маблағга муҳтожлик юзасидан Туркиядан Бакир Сами Бей бошлиқ вакиллар келади ва В.И.Ленин билан бу хусусда суҳбатлашади. Ўша пайтда Усмон Хўжа ва Файзулла Хўжани Москвада В.И.Ленин қабул қилади. Туркияга қандай шаклда ва қанча миқдорда ёрдам имкони борлиги сўралади. Усмон Хўжа Бухоро Жумҳурияти томонидан Туркияга юз миллион сўмлик олтин берилишини айтилади. Бухоро олтинлари Москва зарбхонасида рус пули ҳолига келтирилгандан сўнг Онатўлига, (Туркияга) жўнатилган.

Аммо бу маблағнинг ҳаммаси юборилмаганлиги кейинги йилларда ёзилган китобларда ўз аксини топган. Меҳмед Саройнинг “Отатуркнинг совет сиёсати” китобида бу юз миллионнинг тақдири аниқ маълумотлар асосида очиқ берилган. Унда, “1920 йил сентябрдан 1922 йил майигача советлардан ўн бир миллионлик олтин сўм ёрдам олинган, демак, қолган саксон тўққиз миллион сўм Москвада қолган”.¹ М. Сарой шундай ёзади: “Бу советлар ёрдамининг мақсади ва шакли қандай бўлса бўлсин, турклар буни яхши бир дўстлик ва қадршунослик нишонаси ўлароқ доимо хотирлаб келмоқда”. Советлар ёрдан қилди деб у ёқда турклар хурсанд, ўз элдошларимизга ёрдам бердик деб бу ёқда бухороликлар мамнун, икки содда турк давлатини боплаб тушурдим деб нариги ёқда болшевиклар кулиб турибди.”²

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон, 1994. –Б.13.

² Қаранг. Меҳмед Сарой. “Отатуркнинг совет сиёсати”. Истанбул.1990. туркча.

Газетанинг 2 сониди Талъат Халман ёзган “Тутқун турклар” мақоласида Руслар олиб борган сиёсат улар уюштирган қатли-ом, коммунистик режим остида қолиб ҳалок бўлгани, биринчи, иккинчи жаҳон урушлари вақтида асирга тушганлар ва ватанларига қайтолмай ватансиз, мухожирликдаги саргардонликлар, улар ватанига қайтса, албатта ўлим кутар ёки Сибирга сургун қилинади. Руслар дастидан эзилган халқ ҳақида мақолада гапириб маълумотлар берилган.

Шу сонда Солиҳ Эркинкул шеърлари каторида, Чўлпоннинг “Созим”, Усмон Носирнинг “Юрак”, Абдурауф Фитратнинг “Аччиғлама деган эдик” шеърлари ҳам берилган.¹

Газетадан катта бир ўринни Темур Хўжа ўғлининг “Туркистонда жаҳид мактаблари” мақоласи олган. Мақола тарихий ҳужжатларнинг, илмий мушоҳаданинг теранлиги билан эътиборни тортади. Унда муаллиф Туркистоннинг бутун дунёнинг илм ва маданият марказига айланиши, IX-XIII асрларда олий даражага етиб, Шарқ ренесанс даври деб аталгани, муғуллар даврида бу соҳа тўхтаб қолгани ва темурийлар даврида яна қайтадан ривожлангани ҳақида тўхталиб ўтади. Темур Хўжа Туркистонни истило қилиниш омилларини аниқ фактлар ва исботлар асосида санаб ўтган.

Кейин мақоладаги асосий қисмга ўтиб, жаҳид мактаблари, уларнинг очилиши, асосчилари, вакилларини, мактабнинг очилишидан мақсад каби фикр мулоҳазаларга ойдинлик киритган.

Руслар болаларнинг миясига ўз ғояларини қуйиш учун “рус-тузем” мактабларини очдилар бунга қарши жаҳидлар – Овropa фани ва техникасини миллатга ўргатиб, Туркистон маданиятини янгидан жонлантирмоқ, рус истилочиларини ўлкадан қувиб чиқариб, мустақил бир Туркистон давлати қурмоқ эди, - дейди муаллиф.²

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон, 1994. –Б.20.

² Ўша жойда. -Б.21.

Сўнг янги мактабнинг асосчилари Исмоилбек Гаспирали ҳақида гапириб, Самарқандда илк мактаб, очилиши шундан кейин 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Мунаввар Қори янги мактаблар очгани ҳақида маълумот берган. 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич ва 2 та ўрта жаид мактаби бор эди. Шулардан 6 таси Бухоро амирлигида ва 8 таси Хива хонлигида эди.

1910 йилда Хўжа Рафий, Мирза Абдулвоҳид, Ҳамидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Маҳмуд, Муқимиддин Маҳдум, Абдурауф Фитрат, Усмон Хўжа, Содик Аширўғли ва бошқалар “Тарбияи атфол” (болалар тарбияси) жамиятини тузганлар. Бу жамиятнинг бир бўлими Истанбулда ҳам очилган. Туркистондан Истанбулга 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та ўқувчи борган. Истанбулдаги бўлим “Бухоро маорифи умумлаштирувчи хайрия жамияти” номи билан расмий бир ташкилот бўлди... дейди муаллиф.¹

Мақоланинг охирида 1928 йилда жаид мактаблари расман таъқиқлангани, жаид мактабларида ўқиган туркистонликлар 1938 йилгача ўлка маданий ва ижтимоий ҳаётида катта хизмат қилдилар; жаидларнинг барчаси қириб ташланди ва сургун қилингани ҳақида фикрлар билдирилган.

Газета Истанбулда 5000 нусхада чоп этилган.² Унда Туркистон тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати билан боғлиқ мақолалари билан Солиҳ Эркинқўл, собиқ Германия талабаларидан Абдулвахҳоб Ўқай, Саида Ўқай, Тоҳир Чигатой, Иброҳим Ёрқин ва журналистлардан Ҳаким Ҳайит, Абдулла Тўлаган Орифлар қатнашган.

Газета беш қитъага тарқатилган (Австралиядан – Америкагача). Дўконларга сотилмаган фақат белгили кишиларга, ташкилотларга ва ёзилган одамларга берилган. Уч турли ёзувлар бўларди:

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун.Т.: Чўлпон, 1994. –Б.29.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т.ABU MATBUOT-KONSALT; 2008.-Б.207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

Туркистонликларнинг ва хайрихаҳ миллатларнинг ёзувлари, Ўрта Осиё мухбирлардан, газеталаридан олинган хабарлар. Газета фақат Туркистон истиқлоли учунгина эмас, балки асоратдаги Қовқоз, слав асли халқлари мавзуини ҳам ёритарди деб маълумот беради Зиёвуддин Бобоқурбон.¹

1980 йилда Туркияда харбий диктатура ҳукмронлиги ўрнатилганидан сўнг барча жамиятлар сингари “Ғарбий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”нинг фаолияти ҳам тақиқлаб қўйилди. 1984 йилга келиб жамият янгидан тикланди. Мазкур жамият “Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” деб ном олди, ҳамда унинг доимий қароргоҳи Истанбул шаҳрида, Оксарой даҳасидаги Жерроҳ пошо кўчасига қарашли 37/3 рақамли уйда жойлашган. Ташкилотнинг 1984-1990 йиллардаги раиси Истанбул университети медицина факультети ўқитувчиси, ота-бобоси асли қўқонлик бўлган доктор Аҳад Андижоний бўлган.² Аҳад Андижоний ташаббуси билан уюшманинг матбуот органи “Туркистон” журнаliga асос солинди. “Туркистон” журнали турк тилида ҳар кварталда бир марта, бир йилда тўртта сони 1000 нусхада чоп этилди. Журналда Туркистоннинг иқтисодий, маданий, ижтимоий-сиёсий масалалари ёритилиб, дунёнинг 200 дан ортиқ илмий марказлари, кутубхоналари ҳамда ўнлаб мамлакатлардаги муҳожир ўзбеклар орасида тарқатилди.³ Аҳад Андижонийнинг “Мулоқот” журнаliga берган маълумотларида “1987 йилдан бери жамиятнинг “Туркистон” деб номланган жаридаси нашр этилмоқда. У уч ойда бир чоп этилади. Унда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалалар хусусида фикр юритамиз. Жариданинг ҳар сони 2 минг нусхада босилиб, обуначиларга тарқатилади ёки сотилади. Аммо энг муҳими – Япониядан тортиб Америкагача жойлашган 210 та туркий халқлар марказига ҳам жарида юбориб турмиз.

¹ Тоҳир Қаххор. Хур Туркистон учун. Т.: Чўлпон, 1994. –Б.43.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т.АВU МАТВUОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро. 2005. – Б.159.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АВU МАТВUОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш лозимки, Туркиядаги 700 га яқин кутубхонага жўнатилади”¹.

“Туркистон” журналнинг 1980 йилларда чоп этилган сонларида “Орол муаммоси”, Ўзбекистондаги “пахта монокультураси”, Ўрта Осиёдаги совет даври ижтимоий-иқтисодий муаммолари ҳақида долзарб мақолалар чоп этилган. “Орол муаммоси ёлғиз Ўзбекистонники эмас, балки барча Туркистон жумҳуриятларининг дарди, деб ҳисоблаймиз. Туркияда бу масалани биринчи бўлиб “Туркистон” жаридаси ўртага қўйган. Бундан ташқари йирик йиғинлар ва анжуманларда бу хусусда фикр билдирилмоқда...”² “Туркистон” журналининг 1988 йил 2-сониди муҳожир ўзбек Боймирза Ҳайит билан суҳбат эълон қилинган.³ Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” қошида миллий халқ ансамбли, “Туркистонни ўрганиш фонди” (“Туркистон аристорма вақфи”) кабилар иш олиб борган. “Туркистонни ўрганиш фонди” раҳбари Истанбул университети профессори, турколог олим Туронбой Ёзген бўлган.⁴ 1990 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган жамият раиси Аҳад Андижоний Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг миллатлараро муносабатлар қўмитаси раиси, халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан мулоқотда бўлди.⁵

Хуллас, Туркияда ўзбек матбуотчилик тарихи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, матбуот органларини ташкил этишда собиқ совет ҳукумати бошқарув органларида ўз вақтида фаолият юритганлар ҳам, БХСР ва ХХСР, ТАССР томонидан хорижга юборган собиқ талабалар ҳам, бу мамлакатда таваллуд топган ўзбеклар ҳам иштирок қилишган. Миллий матбуот органларида Ўзбекистон ва бутун Туркистон истиқлоли масалалари кун тартибига қатъий қилиб қўйилган. Газета ва журналларда совет мустамлакачилик сийсати кескин танқид этила олинган. Бироқ,

¹ Усмонов И. Соҳилга интилаётган тўлқинлар.// Мулоқот.1992. №9. –Б.65-71.

² Усмонов И. Соҳилга интилаётган тўлқинлар.// Мулоқот.1992. №9. –Б.65-71.

³ Боймирза Ҳайит. «Ватан сизники бўлгани каби меники ҳамдир». //Мулоқот. 1991. №5. –Б.62-69.

⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т.АВУ МАТБУОТ- КОНСАЛТ;2008.-Б.207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

⁵ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АВУ МАТБУОТ- КОНСАЛТ; 2008.- Б. 207.

миллий газета ва журналлар мунтазам чоп этиб турилмаганлиги яққол кўзга ташланади.

II.2. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги ўзбек матбуоти.

Муҳожир миллатдошларимизнинг матбуотчилик фаолиятидаги илк ҳаракат ва амалий қадамлар 1922-1923 йилларда ТАССР, БХСР, ХХСР ҳукуматлари томонидан Германияга ўқиш учун юборилган талабалар фаолияти билан боғлиқ. Германиянинг турли шаҳарларига юборилган туркистонлик талабалар ва ўқувчилар сони 70-74 нафар атрофида бўлганлиги қайд этилиб, уларнинг 56 нафари БХСРдан, 16 нафари Туркистон АССРдан, 2 нафари ХХСРдан эди. Шулардан 1926 – 1930 йилларда асл Ватанларига қайтмаган 14-16 нафар талаба хорижда яшаб қолган¹.

Германияга ўқиш учун юборилган талабалар 1923 йилда ўзларининг илмий-адабий журналлари - “Кўмак”ни нашр этдилар. Журнал Берлиндаги “Озод Шарқ” нашриётида араб имлосида, ўзбек адабий тилида дунё юзини кўрди. “Кўмак” журнали “Кўмак” хайрия ташкилоти ёрдамида Германияга ўқиш учун юборилган Саидалихўжа муҳаррирлигида, Аҳмад Шукрий, Аҳмаджон Иброҳимов, Саттор Жаббор каби илғор талабалар иштирокида чоп этилди. Журналда фалсафий, ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий йўналишдаги мақолалар ҳамда ёш ижодкорларнинг шеърлари босилганди².

1923 йилда Германия пойтахти Берлин шаҳрида туркистонлик талабалар томонидан чоп этилган “Кўмак” журналининг 1-сониди босилган мақолалар ва шеърлар, уларнинг муаллифлари ҳақида қуйидаги жадвал орқали танишиш мумкин.

т/р	Талабанинг исм-шарифи	Таълим олаётган ихтисослиги	Ижод намунаси	изоҳ
1	Саидалихўжа	Берлиндаги олий техника мактаби	“Ақл ва сезги”, “Мия ва юрак”, “Америкадаги киши қони савдоси”, “Осиёнинг оқ	“Кўмак”нинг 1-сониди “Тилагимиз” бош мақола ва “Ўтунчлар”,

¹ Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил 28 май.

² Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т.: “Академ хизмат”, 2006. –Б. 23.

2	Аҳмад Шукрий	Берлин дорилфунуни тарих-фалсафа факультети	Ўғли”.	“Идорадан” рукнида ҳам хабарлар босилган.
3	Аҳмаджон Иброҳимов	Берлин олий техника мактабининг тоғ муҳандислиги факультети	“Турк адабиётида идеализм ва реализм”, “Чўлпон-Чўлпондир”, шеърлари: “Ҳаёт”, “Сўрма”, “Туш”, “Парча”. “Техника ва биз”.	
4	Саттор Жаббор	Хайдельберг (кейинчалик Берлин) дорилфунуни кимё факультети	Тилак (шеър)	

Германиядаги туркистонлик талабаларнинг “Кўмак” журнали бундан буён мунтазам чиқиб туриши билан боғлиқ фикрлар билдирилган бўлсада, бироқ бу мақсад амалга ошмаган. Бизнингча, бу бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, Туркистон АССР ҳукумати бир йилдан сўнг ўз талабаларига маблағ билан моддий ёрдам кўрсатишни тўхтатиб қўйган, уларни таъминлаш эса БХСР ҳукумати зиммасига тушган. Иккинчидан, Германияда 1923-1924 йилларда инфляция ўзининг авж палласига чиқиб, марка қадрсизланиб кетган. Учинчидан, талабалар ўқиш, илм-фан билан шуғулланиб, матбуотчилик фаолиятини сусайтирган бўлишлари ҳам мумкин. Қолаверса, ўзининг оммавий тадбирларидан тушган маблағнинг 80 фоизини талабаларга юбориб турган “Кўмак” ташкилоти 1923 йилда ўз фаолиятини тўхтатган эди. Яна бир омил: 1924 йилдан бошлаб СССР маъмурий идоралари ва уларнинг вакиллари Германиядаги талабаларни Ватанига қайтишга мажбурлаётган эди.

Юқоридаги тўсиқларга қарамай Германиядаги ўзбек талабалари Ўзбекистонда чоп этилган матбуот органларида ҳам мақолалар билан иштирок қилиб турганлар. Германия пойтахти Берлинга барча талабалардан олдинроқ бориб қолган (1921 йилда) , биринчи талаба Абдулваҳҳоб Муродий “Қизил Байроқ” газетасида “Берлиндан хат” мақоласини чоп эттирди. Шунингдек, Саттор Жаббор “Эртой” таҳаллуси билан “Туркистон” газетасининг 1924 йил 2 сентябрь сонида “Германияда Ўрта Осиё талабаларининг иккинчи йили” мақоласини, Аҳмад Найим ва Афзал Абу Сайидлар Олимжон Идрисий билан ҳаммуаллифликда “Озод Бухоро” газетасининг 1924 йил 27 майдаги 67-сонидан “Тасҳиҳ ва изох” номли салмоқли мақоласини чоп эттиргандилар. Германиядаги ўзбек талабалари “Бухоро ахбори”, “Озод Бухоро”, “Туркистон”, “Қизил Байроқ”, “Фарғона” каби матбуот органларида ўз мақолалари билан қатнашиб турдилар.¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, 1942 йилда Туркистон Миллий Бирлиги қўмитаси (ТМБК) ва унинг Берлин шаҳрида “Янги Туркистон” деган ҳафталик газетаси, 4 ҳафтада бир марта чоп этилиб турган “Миллий Туркистон” ва ойда бир бор чиққан “Миллий адабиёт” журналлари кабилар ҳам муҳожир ўзбекларнинг хориждаги ташкилотлари ва матбуот органлари тарихида ўзига хос ўрин тутди.

ТМБК 1942 йилнинг августидан бошлаб Туркистон легионерлари учун «Миллий Туркистон» журналининг чиқарди. «Миллий Туркистон» дастлаб 15 минг, кейинроқ эса 80 минг нусхада чоп этилган. Уруш йилларида журналнинг 63 та сони чоп этилганди².

«Миллий Туркистон»нинг бош муҳаррири Вали Қаямхон бўлиб, журналнинг биринчи сонидаги бош мақолада: “Бизнинг йўлимиз оталар йўлидир. Мустақиллик йўлидир”-деган фикр баён қилинган. Ҳар бир легионер матбуот органларининг мутассил чиқиб

¹ Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Бухоронинг хориждаги талабалари (XX асрнинг 20-йилари). Бухоро, 2003. –Б. 18.

² Ahror Azamov. Acid hat. Toshkent; 1977. -Б.18.

туриши учун бир ойда 1 RM (Рейхсмарка-немис пули) кичик зобит 2 RM дан 15 RM гача бадал тўлаб туришган.

“1943 йилдан буён ТМБК нинг органи “Миллий Туркистон” журнали Дюссельдорф шаҳрида чоп этилади. Журналнинг асосчилари ҳамда муҳаррирлари Вали Қаюмхон ва Боймирза Ҳайитлар бўлиб, журнал капиталистик мамлакатларда яшовчи муҳожир ўзбеклар орасида тарқатилади.”¹

ТМБК томонидан 1942-1945-йилларда «Миллий адабиёт»мажмуаси ва «Янги Туркистон» газетаси ҳам чоп этилган.²

“1943-1945 йилларда Германия пойтахти Берлинда Қўбизчи Қўрқут муҳаррирлигида “Миллий адабиёт” журнали чоп этилган. Ушбу матбуот органининг ўзига хос хусусияти шундаки, ўзбек, туркман, қирғиз тилидаги асарлар ўз ҳолича босилган. Журнал муҳарририясида муҳожир туркистонликлардан М.Равшан Сайрон, Хушнуд, Қози, Сир боласи, Жумой Соғим, Мавлон, Ғойиб, Масрур, Доро, Зарлик, Аллаберди, Ўлмас, Талимаржон, каби шахслар фаолият олиб боришган. Журналнинг 1944 йилда чоп этилган сонларида М.Абдуллаевнинг совет жамиятидаги 1937-1938 йиллар қатағонлик сиёсатини ёритишга қаратилган “Қурбон” романи босилган³.

Вали Қаюмхон “Миллий адабиёт” – адабий журнал, ўқувчиларнинг Ватан озодлигини кўзлаган адабиёт билан озиқлантириши керак... ёлғиз Ватан тилагини бадий адабиёт орқали етказиш керак”⁴ – деб унинг вазифасини белгилаб берганди.

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008. –Б.207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

² Ҳайитов Ш. Уруш ва муҳожирлик.Бухоро.2009. –Б.37.

³ Каримов Б. Миллий адабиёт; Равшан ва “Қурбон”, //Ёшлик, 2000 №3, -Б. 39.

⁴ “Миллий адабиёт” 1944; №2: - Б. 5.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Германияда муҳожир ўзбеклар “Янги Туркистон” ҳафталиги газетасини ҳам чоп этдилар. Ушбу газетага Абдулла Тўлаган (Вали Зуннун) муҳаррирлик қилган.¹

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1947 йилда қайта тикланган ТМБК нинг маркази Ғарбий Германиянинг Мюнхен шаҳрида эди. “ Миллий Туркистон ” журнали эса 1948 йилда янгидан чоп этилган. Уруш йилларида журналнинг 62 та сони чоп этилган. 1948 йилда чоп этилган дастлабки сонида ТМБКнинг раиси Вали Қаюмхон “62 дан 63 га” номли бош мақола билан чиқди. Мақолада озодлик ва мустақиллик учун кураш олиб бориш бош мақсад бўлиб қолавериши таъкидланади.²

Матбуот органларининг мунтазам чиқиб туриши – моддий жиҳатдан улар таъминланганлигини тақозо қиларди. 1970 – йилларда “Миллий Туркистон” журналининг битта сонини тайёрлаш ва чоп этиш учун 7 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Муҳожир ўзбеклар турли мамлакатлардан туриб журналнинг Дюссельдорфдаги банк рақамига ионалар тўплаб маблағ ўтказиб турганлар³.

З.О.Туркистонийнинг ташаббуси билан Саудия Арабистонида “Миллий Туркистон” журнали учун маблағ тўплаш ҳаракати даврида муҳожир ўзбек аёллари ҳатто ўз шахсий сеплари ва қимматбаҳо тақинчоқларини ҳам ҳадя этишган.⁴ “Миллий Туркистон” дастлаб оз нусхада чоп этилиб, Германияга 15-20 нусха, Афғонистон, Покистон, Туркия, Саудия Арабистони каби бошқа Шарқ мамлакатларига 10-15 нусхадан юборилган.

Журнал ўзбек ва инглиз тилларида, араб ва лотин имлосида 3-6 ойда бир марта чоп этиларди. Лотин имлосида чоп этилган журналга “А”, араб имлосида “В”, инглиз тилидаги журнал нусхаларига “S” белгиси қўйилган.

¹Ҳайитов Ш. “Муҳожирлик на шодлик, на ғам...” Бухоро. 2007 й.

² Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

³ Ahroq Azamov. Acid hat. T., 1977; 19; - Б. 34.

⁴ Зухриддин Обид Туркистоний. Анда жоним қолди менинг... Т.: Чўлпон, 1992. –Б.25.

1948-1950 йилларда ТМБК аъзолари Марказий-Ғарбий Германиянинг Вестфалия вилоятига қарашли Минденъ шаҳрида бўлган.¹

ТМБК нинг фаол аъзолари Эргаш Шермат (Булокбоши); Боймирза Ҳайит; Маҳмуд Мақсудбек, Маҳкам Умарий, Нуриддин Қори, Абдулла Тўлаган, Ҳусан Икром, Қосим Иноят, Нақибхўжа, Мўминжон Тешабой, Исмоил Тожибой, Жаббор Раҳимий, Рўзи Назар кейинчалик эса улар сафига Мирзо Пўлат Ҳакимий, Абдулла Чигатой, Рашид Тошкентли, Аҳмад Жасмин, Аҳмад Хўжа каби 20-30-йилларда муҳожир бўлган ўзбекларнинг фарзандлари қўшилган.²

ТМБК нинг матбуот органи “Миллий Туркистон” 1975 йилгача чоп этилиб, унинг жаъми 134 та сони нашрдан чиққан.³ Журнал ўзини Мустафо Чўқаев 1929-1939 йилларда Парижда (Франция) чоп эттирган “Ёш Туркистон” мажмуасининг давомчиси деб ҳисоблаган.

1978 йил апрель (савр) воқеаларидан кейин Афғонистонда ижтимоий ҳаракат ривожланиб, жумладан, 1980 йилда муҳожир миллатлар (асосан Ўрта Осиёликлар) билан иш олиб борадиган “Анжумане Ватан”(“Ватан жамияти”) ташкил топди. Ушбу ташкилот 1984 йилда Афғонистон Демократик Республикасининг Ватан fronti таркибига кирди.⁴ 1982 ва 1985 йилларда “Анжумане Ватан” вакиллари Ўзбекистонда меҳмон бўлдилар. Бироқ “афғон консенсуси” чигаллашуви билан ушбу ташкилот номигагина мавжуд бўлиб келди. 1980 йилларда “Анжумане Ватан” қошида “Зафар” номли ўзбек кўшиқ ва рақс ансамбли тузилди. Ушбу ансамблга Ўзбекистондан ўзбек миллий мусиқа асбоблари, театр кийим ва анжомлари юборилди.⁵ Бироқ ансамбл ўз фаолиятини Афғонистондаги сиёсий вазият туфайли давом эттира олмади. Афғонистонда “Анжумане Ватан” тузилиши билан АДР нинг шимолий вилоятларида ўзбекча радиоэшиттириш станциялари иш бошлаганди. Бобо

¹Ahror Azamov. Acid hat. -T., 1977. –Б.11.

²Ahror Azamov. Acid hat. -T., 1977. –Б.40.

³Yas Turkistan. 1 Cilt. (1-13 sayilar) 1929-1930; -Istanbul. 1997;- S. 23.

⁴Хошимбеков Х. Узбеки северного Афганистана. Москва:1994 год;-54 стр.

⁵Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

Қилич Даврон раислигида иш бошлаган, 1000 дан ортиқ туркий халқ вакиллари бирлаштирган “Анжумане Ватан” ташкилоти Афғонистонда чоп этилган ўзбек ва туркман тилидаги матбуот органлари билан алоқа ўрнатди.

1978 йил апрел воқеаларидан 21 кун кейин Мозори-Шариф вилояти маркази Балх шаҳрида Абдуллоҳ Рўйин муҳаррирлигида ўзбек тилида “Юлдуз” газетаси чоп этилди. “Юлдуз” газетаси ҳазрат Алишер Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами”-номли мисралари шиори остида нашр қилинган.¹ Газета 7300 нусхада чоп этилиб, унинг саҳифаларида А. Навоий, З. М. Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодира, Увайсий, Анбар Отин сингари ўзбек классик адабиёти намояндalarининг асарлари билан бирга, Ғафур Ғулом, Ойбек, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ориф Усмон кабиларнинг асарларидан ҳам намуналар бериб борилган.

“Юлдуз” газетаси билан бирга туркман тилида “Тураш” (“Кураш”) газетаси чоп этилди.² “Юлдуз” ва “Тураш” газеталари Афғонистоннинг ўзбеклар яшайдиган 10та вилоятига тарқатилган. “Юлдуз” газетасида афғонистонлик ўзбеклардан Ашраф Аъзам, Муҳаммад Амин, Исҳоқ Сино, Тожи Муҳаммад Зикриллоҳ кабилар фаолият олиб боришди.³ 1990 йилда “Юлдуз” газетасининг бир гуруҳ ижодий ходимлари Ўзбекистонда бўлиб, ўзбекистонлик журналистлар билан фикр алмашишди. “Юлдуз” газетаси манзилгоҳига Ўзбекистондан “Совет Ўзбекистони” (“Ўзбекистон овози”) “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ойдин” газеталари ҳамда “Шарқ Юлдузи”, “Тулистон” каби журналлар юбориб турилган.⁴

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Покистоннинг Карачи шаҳрида яшаган Зухриддин Туркистоний, Аъзам Ҳошимий, Мақсудбек Мўминжон, Саъдулла Қори, Шоилҳом, Қосимжон, Аҳмадхўжа, Абдуллажон каби

¹ «Юлдуз»- тинчлик элчиси. //Шарқ юлдузи, 1990. №3. –Б.50.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ- KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

³ «Ватандош» радиостанцияси жорий архиви, 1984. 15 август.

⁴ Ўша архив, 1986 йил 16 сентябрь.

муҳожир ўзбек ёшлари маблағ тўплаб, бир ҳинд бутхонасини сотиб олиб ўзбек тилида “Таржимон” номли ойнома чоп қилишган. Ойнома араб ва урду алифбосида ўзбек тилида чоп этилган. Газетага муҳаррирлик қилган Аъзам Ҳошимий унинг бор-йўғи 3 та сонини чиқара олди холос.¹ Муқовасида Бухородаги Минораи Калон тасвирланган. Лекин кўп ўтмай, ушбу ойнома маҳаллий ҳукумат томонидан номаълум сабабларга кўра таъқиқлаб қўйилган.²

Жумладан, 1980 йилларда Австрия пойтахти Вена шаҳрида бухоролик яҳудийларнинг “Сафардий Яҳудийларнинг диний-ватандошлар жамияти” тузилиб, унинг газетаси “Бухарим” деб номланган.³ Австриядаги 2 минг яҳудийдан 500 нафарини ўзида бирлаштириб турган, медицина ходими Г. С. Галибов бошқарадиган ушбу ташкилот муҳожир Бухоро яҳудийларини ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш кабилар билан шуғулланади. Шахсий медицина клиникасига эга бўлган Г. С. Галибов Венадаги “Родина” (“Ватан”) жамияти ва унинг раҳбари Алис Кухор билан алоқа ўрнатган.⁴

Хуллас, XX аср 20 йилларидан ушбу юз йиллик охирига қадар Германия, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатларда зиёли ўзбек муҳожирлари газета ва журналлари чоп эттиришга муваффақ бўлганлар. Улар томонидан чиқарилган матбуот органлари араб ва латин имлосида эски ўзбек адабий тилида босиларди. Миллий матбуотнинг мавзуси ранг баранг бўлиб, уларда муҳожир ўзбеклар ҳаёти, истак ва интилишларига оид мақолалар ҳам анчагина фоизни ташкил этарди.

¹ Усмонов И. Икки кирғоқ фарзандлари // Мулоқот. – 1991 йил. №1; – Б. 38-42.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. / ABU MATBUOT- KONSALT; 2008. – Б. 207.

³ Ўша жойда. – Б. 145.

⁴ Ўша жойда. – Б. 146.

III боб. Муҳожир ўзбекларнинг хориждаги миллий уюшмалари.

III.1.Хориждаги ўзбекларнинг илк миллий уюшмалари ва АҚШ даги ўзбек (туркистонлик) лар жамияти.

Хориждаги ўзбеклар томонидан тузилган миллий уюшма ва ташкилотларининг вужудга келиш тарихи ҳам 1920-1930 йилларга тўғри келади. 1923 йилда Германиядаги Туркистон талабалари бир-бирларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш учун “Қўмак” уюшмасини тузганлар. 1920 йилнинг иккинчи ярмида Туркия Респуликасидаги муҳожир ўзбеклар, айниқса Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРнинг Туркияга кўчиб ўтган Германиядаги собиқ талабалар ташаббуси билан “Туркистонликлар жамиятини” тузиш ҳаракати бошланган. Шундай ташкилотлардан бири жумладан 1940 йилда Сурияда “Бухороликлар ёрдамлашма жамияти” вужудга келганди. Бундай уюшма ва ташкилотлар барпо этиш ҳамда кенг ёйилишига Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ҳукуматлар томонидан чиқарилган қонунлар тўсқинлик қилди. Шунинг учун муҳожир ўзбеклар бу мамлакатларда қанча зич яшамасин, ўзлари истагандек уюшмаларга асос сола олмадилар. Бирок, ўзбекларнинг Туркия, Германия, АҚШ, Австралия, ХХР (Шарқий Туркистон) сингари давлатлардаги миллий уюшмалари таъсирчан кучга эга бўлди.

Миллий уюшмалар тузишдан кўзланган мақсад: чет элларда ўзбек тили, ўзбекона урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш, хорижда таваллуд топган ўзбек болаларига ҳамжиҳатликда дунёвий билим бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, муҳожир ўзбеклар ўртасида қавм-қариндошчилик алоқаларини ўрнатиш, асл ватанлари Ўзбекистон билан маданий алоқалар ўрнатиш, бир-бирларига уй-жой, кўчиб ўтиш, иш билан таъминланишда ёрдам бериш каби хайрли ишлар эди. Айрим уюшмаларнинг бадавлат аъзолари маблағи ҳисобига

уюшмалар учун махсус бинолар сотиб олинган, ўзбек тилини ўргатадиган якшанбалик мактаблари очилган, миллий байрамлар (Наврўз, Қурбон рўза ҳайити, мавлуд), кабилар уюштирилган миллий уюшмалар тасарруфида ўзбек ва Туркистон минтақаси халқлари тилида бюллетень газета ва хабарномалар чоп этилган. СССР мавжуд бўлган даврда большевизм ва коммунизмга қарши кураш олиб боровчи ташкилотлар ҳам фаолият юритганди.

Муҳожир ўзбеклар ўзбек миллий урф-одатлари ва ўзбек тилини сақлаб қолиш, бир-бирларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш мақсадида хорижий мамлакатларда ўзларининг миллий матбуот органларига, миллий уюшма ва жамиятларига асос солдилар.

Миллий уюшма ва ташкилотлар турли йўналишларда тузилди, сиёсий мақсадларни кўзлаб, яъни Туркистон бирлиги масаласини маданий-маърифий соҳадаги вазифалар билан бирлаштирган ташкилотлар совет мафкурачилари томонидан реакцион, буржуа-миллатчи уюшмалар сифатида қораланди.

Ўзбек тили ва ўзбек маданиятини асраш, ўзлигини йўқотмаслик, моддий ҳамкорлик ва Ўзбекистон билан маданий, қавм-қариндошчилик алоқаларини йўлга қўйишни ягона мақсад қилиб қўйган ташкилотлар кўп сонли эди. Ушбу сингари уюшма ва ташкилотларга советлар “дўст”, “душман”, “бетараф” каби уч ўлчовда муносабатда бўлиб, бетарафларни ўз тарафдорлари сафига қўшишга уринди.

Ўзбек муҳожирлари нисбатан кўп яшаётган Шарқ, айниқса, араб мамлакатларида муҳожир ўзбекларнинг миллий уюшмалар тузиш, газета ва журналлар чоп этириш ҳаракатлари ҳукуматлар томонидан қаршиликка учради ёки қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилди.

Муҳожир ўзбеклар томонидан тузилган уюшма ва ташкилотлар орасида АҚШдаги миллий уюшмаларнинг фаолияти муҳим ўрин тутди. АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Филодельфия, Чикаго, Лос-Анжелос

штат ва шаҳарларига 1950-йиллардан бошлаб ўзбек оилаларининг кўчиб ўтиш жараёни туфайли бу мамлакатда “ўзбек диаспораси” вужудга келди.

Айрим маълумотларга кўра биринчи жаҳон урушидан кейин АҚШ да 9 та ўзбек истиқомат қилган. Бироқ улар Америкага рус, украин, лотиш хотинлари изидан кириб келганлар. Бу ўзбекларнинг 7 таси Нью-Йоркда, 2 таси Пенсильванияда истиқомат қилган.

Ўтган асрнинг 40-йиллар охири ва 50- йиллар бошидан бошлаб АҚШга биринчи туркистонлик ўзбек оилалари кўчиб ўта бошлади. Америкада туркистонликларни бирлаштириш мақсадида бир Жамият тузиш керклиги сезилди. Мазкур ғояни амалга ошириш мақсадида Пенсильвания штатидаги Филадельфия шаҳрида Исоқжон Нарзикул, Эргаш Шермат, Мақсуд Бек, Рўзи Назар, Ҳусайн Икром ва Шарафжон Алибек ташаббуси билан «Туркистон-Америка» ассоциацияси (ТАА) тузилишига асос соладилар. Улар ташаббус гуруҳи тузиб, мазкур ноҳукумат ташкилотнинг Низоми ва бошқа дастурий ҳужжатларини тайёрлашди. Барча ҳужжатлар Пенсильвания штати қонунлари асосида тайёрланиб, Филадельфия шаҳри маъмурияти томонидан 1958 йил 13 декабрда рўйхатга олинади.

1958 йилдан Нью-Йоркда “Туркистонликлар жамияти” тузилган, бироқ, бу ташкилот дастлаб катта таъсирчан кучга эга бўлмаган. 1960 йилнинг охирида «Туркистон-Америка» ассоциацияси (ТАА) АҚШнинг бошқа штатларидаги яшаб турган Туркистон заминидан чиққан барча миллат вакиллари бирлаштириш масаласини ўртага қўйди “Миллатлар музейи”. Нью-Йоркка АҚШнинг барча штатларида яшовчи туркистонликларнинг 300 нафар вакили етиб келишди. Бу ерда ўтказилган конференцияда ТААнинг янги Низоми ва дастурий ҳужжатлари тасдиқланди. ТАА Конференцияси томонидан тасдиқланган Низом ва дастурий ҳужжатлар мазкур жамиятни умум федерал статусига ўтказиш

мақсадида Нью-Йорк шаҳри маъмурияти томонидан қайта рўйхатдан ўтказилади¹.

1965 йилда ўзбек оилалари зич яшайдиган Нью-Йорк шаҳрида “Туркистонликлар Америка Ассоциацияси” (“Туркистонликлар Америка Жамияти” – ТАА) тузилди². Мазкур жамиятни тузишда АҚШга Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўчиб ўтган мухожир ўзбеклар: Маҳмуд Максудбек, Ҳусан Икром, Эргаш Шермат (Булоқбоши), Исоқжон Нарзикул, Рўзи Назар, Туробхўжа Абдуллахўжа каби (жаъми 13 киши) асосан собиқ “Туркистон легионер”лари муҳим роль ўйнадилар³. Мазкур анжуман Исоқжон Нарзикулни ТААнинг биринчи президент этиб тасдиқлаган⁴. Ш.Ҳайитовнинг тадқиқотларида ТААнинг биринчи президенти (раиси), асли келиб чиқиши қўқонлик бўлган ўзбек Маҳмуд Максудбек бўлган дейилади⁵. ТААнинг ташкилий тузилиши: президиум ва президиум бюросидан иборат бўлиб, раҳбарлик органларига президиум раиси, унинг ўринбосарлари ва президиум котиби кирган.

«Туркистон-Америка» ассоциациясини тузишдан кўзланган асосий мақсад, ташкилот фаолиятига доир айрим маълумотлар қуйида келтирилган:⁶

Ташкилотнинг мақсади: АҚШда яшайдиган туркистонликларнинг манфаатини ифодаладиган маданий муассасадир. Унинг асосий мақсади аъзолар ўртасида доимий узвий алоқаларни боғлаб туриш, жамоатчилик орасида ТААнинг фаолияти тўғрисида ошкора ахборот тарқатиш, жамият аъзоларини фаоллигини ошириш, уларни жамоат ишларига кўпроқ жалб қилиш, ТААнинг АҚШ ва хориждаги шундай ташкилотлар билан алоқаларини кенгайтириш, АҚШда ва бошқа мамлакатларда миллий-

¹ Интернет маълумотлари. www.e-tarix.uz

² Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 136

³ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.130.

⁴ Интернет маълумоти. www.e-tarix.uz

⁵ Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

⁶ Интернет маълумотлари. www.e-tarix.uz

маданий ўзлигимизни танитиш учун турли қизиқарли маданий-маърифий ва бошқа тадбирлар уюштиришдан иборат.

ТААнинг дастурий режалари: Мазкур ташкилот АҚШдаги туркистонликларни бир-бири билан ва хорижий юртларда яшовчи бошқа ватандошларимизни ўзаро узвий боғлаб турувчи кўприк вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, ТАА вақт билан ҳамнафас қадам ташлаб, туркистонликлар орасида маданий, миллий, аجدодларимизнинг бой маънавий меросларига содиқ қолиш, диний қадриятларни сақлаб қолишга алоҳида аҳмият беради.

ТАА фаолияти: тасдиқланган таъсис ҳужжатларига мувофиқ «Туркистон-Америка» ассоциацияси ноҳукумат, нотижорат ташкилоти бўлиб, Ўрта Осиё мамлакатларидан АҚШга кўчиб ўтган ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, уйғур ва бошқа миллатларни бирлаштириб, улар манфатини ҳимоя қилади, туркий миллатларни Америка ҳамжамиятига интеграциялашувига кўмак беради, унинг фаолияти туркистонлик халқларни қўллаб-қувватлашга, уларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган, фаолият доирасида туркистонлик халқларни она тилини, миллий-маданий ва маънавий меросини сақлаш, миллий урф-одатларни сақлашга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш, тузилган режага асосан туркистонликларга хос маданий тадбирлар, фестиваллар, форумлар, митинг ва манифестацияларни ташкил қилиш кўзда тутилган.

ТАА тизимида: ТАА ижроия қўмитаси, оқсоқоллар кенгаши, аёллар ва ёшлар билан шуғулланувчи алоҳида бўлинмалар мавжуд. Улар ўз йўналишлари бўйича фаолият юргизиб, туркистонликларни жамоат ишларига жалб қилишади.

ТАА жамият аъзолари: ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, уйғурлар. Бугунги кунда ТАА аъзоларининг сони 10 000дан ошиб кетди. ТАА уларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш, зарур моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўқув-таълим масалаларида ҳомийлик қилиш,

уларни сиёсий, маданий ва маърифий тадбирларга жалб этиш билан ҳам шуғулланади.

ТАА аъзолари учун афзаллик: Жамият ўз Низоми ва дастурий ҳужжатларига асосан, аъзолари учун анча қулайлик ва афзаликлар, чунончи ТАА аъзолари жамият томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиш, жамият фаолияти бўйича ахборот олиш, сайловда иштирок этувчиларга имтиёз, енгилликлар, моддий ва маънавий ёрдамга мухтожларни қўллаб-қувватлаш, жаноза тадбирлари, вафот этган жамият аъзолари учун қабристонда имтиёзли жой ажратилиши, газета ва журналларга обуна бўлиш, оммавий ахборот воситалари ва интернетда янгилик ҳамда эълонларни чоп этиш ҳуқуқлари беришни кўзда тутган. ТААга аъзолик туркистонликлар учун шахсий ва ижтимоий ривожланиш омили бўлиши мумкин.

Ассоциация раиси (Президенти) бир йилда бир марта сайланган. М.Мақсудбек ушбу Ассоциациянинг биринчи раиси бўлиб¹, айти бир пайтда Нью-Йорк университетида ўзбек тилидан талабаларга ҳам дарс берган ва бир ойда 700-800 доллар миқдорида маош олган². Университетнинг “совет муаммолари” бўлимида таҳсил олган талабалар, ҳатто АҚШдаги Колумбия университети профессори Э.Оллворд ҳам ушбу инсондан ўзбек тилида ўқиш, ёзиш, гапира олиш кабиларни ўрганиб, унга махсус имтиҳон топширган³. М.Мақсудбек ушбу ташкилотга умрининг охиригача (1910-1993) аъзо бўлиб қолди⁴.

Исоқжон Нарзикул Туркистон-Америка ассоциацияси президентлари орасида тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ва ташкилотчилик қобилиятлари билан алоҳида ажралиб турарди. У ватансевар, миллатпарвар инсон эди. У Иккинчи жаҳон урушидан кейин, Америкага кўчиб ўтган биринчи ўзбеклардан биридир. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида Америкада

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 207; Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 137.

³ Али Шермат ўғли. Истиклолга ишонч абадийдир.//Хабар, 1993, 8 январь.

⁴ Кўчимов А. Сехрли диёр. //Ёш ленинчи. 1991,20 июль.

туркистонлик мухожирларни бирлаштириш, уларга амалий ёрдам бериш мақсадида Исоқжон Нарзикулнинг ташаббуси билан, дўстлари Эргаш Шермат, Махмуд Максудбек, Хусуайн Икром, Рўзи Назар ва Шарифжон Алибеклар билан ҳамкорликда Туркистон-Америка Ассоциациясига (ТАА) асос солинади. Исоқжон ТААнинг биринчи президенти бўлиб сайланади ва 1958–1961 йилларда бу вазифани шараф билан бажаради. Исоқжон Нарзикул Нью-Йорк шаҳри Бруклин мавзесида ТААнинг миллий-маданий маркази биносини сотиб олишга ўз шахсий маблағи билан ҳисса қўшиб, ТАА олдидаги унутилмас хизматлардан бирини амалга оширади. У Америкага кўчиб келган туркистонлик ватандошларга молиявий масалаларда амалий ёрдам берди.¹ Асли ўзи жиззахлик бўлган Исоқжон Нарзикул (1923-1989) ёшлигида таълимни Самарқандда оладива ундан кейин Тошкентдаги ўспиринлар ҳарбий билим юртига ўқишга киради. Кейинчалик Иккинчи жаҳон урушида асирга тушади ва Туркистон легионига қабул қилинади. Урушдан сўнг Чехословакияга қолади. Кейинроқ Германияда яшаб, 1949 йили Чехословакия фуқароси сифатида АҚШга кўчиб келади. Исоқжон Нарзикул америкадаги меҳнат фаолиятини оддий кўча супурувчи фаррошликдан бошлаб, кейин ишлари юришган ишбилармон, миллионерга айланади. 1989 йили Ўзбекистон мустақиллигига икки йил қолганда Исоқжон Нарзикул оламдан кўз юмади. У Пенсилвания штатининг Филадельфиядаги қабристонига дафн қилинади.²

ТАА аъзолари дастлаб 50-60 киши атрофида бўлиб, 1970-йилларда 300 киши, 1980-йилларнинг иккинчи ярмида 500 киши бўлишган. Ташкилотнинг моддий асосини унга аъзо бўлиб кирган ҳар бир киши томонидан тўланадиган 9 доллар миқдоридаги бадал ташкил қилган³. Бундан ташқари бадавлат мухожир ўзбеклар ташкилот ҳисобига ўз шахсий жамғармаларидан пул ўтказиб туришган. Ташкилотга аъзо бўлиш ҳуқуқига барча туркистонликлар (қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, тожик) эга

¹ Интернет маълумоти. www.12.uz.

² www.12.uz.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ MATBUOT-KONSALT; 2008.- Б. 138.

эди. ТАА ўз мажлисларини муттасил ўтказиб турган. 1970 йилларда ТААга аъзо бўлган ҳар бир оиланинг аъзолик бадали 24 доллар миқдорида белгиланган. 1979-йилда ТАА 50 минг долларга Нью-Йорк шаҳрининг Бруклен кўчасидан 300 кишилик (айрим манбаларда 500, 600 кишилик) бинони ижарага олди ва уни “Туркистонликлар байналминал уйи”га айлантирди.¹ “Байналминал уй” 300 кишилик мажлис зали, кутубхона, ошхона, киноустановка, бошқарув идораси каби қисмлардан иборат эди. Нью-Йоркдаги “Туркистонликлар биноси”ни сотиб олишда М.Мақсудбек ўзининг 25 минг долларлик шахсий жамғармасини, ҳамда муҳожир ўзбек, саноатчи Исҳоқжон Нарзиқул ҳам тахминан шунча миқдорда маблағ сарфлаган². ТАА мусулмонлар мактабига ҳам эга бўлиб, уни қошида муҳожир туркистонликлар фарзандлари учун ўзбек тили, ҳамда диний билимларни ўргатадиган мактаб очилган ва ўқишни битирганларга диплом берилган³.

Мустабид совет тузуми йилларида ТАА жаҳон афкор оммаси диққат-эътиборини Туркистон (Ўрта Осиё)га қаратиш мақсадида кураш олиб борган. АҚШ давлатининг олий органи бўлган Конгресс ҳам уюшма фаолиятдан хабардор қилинди. ТАА АҚШда ва жаҳоннинг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида хайрли ишларни амалга оширди. 1960 йилларда жамият фаоллари Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларда яшайдиган ўзбек муҳожирларидан 60 та оилани дунёнинг ривожланган давлати АҚШга кўчириб, уларни уй-жой, иш билан таъминлашга эришдилар. Жамият аъзолари АҚШда “Туркистон озодлиги куни”, мусулмон диний байрамлари: қурбон ва рўза ҳайити ҳамда “Наврўз” байрами кабиларни биргаликда нишонлашни уюштирдилар.

Муҳожир ўзбек оилаларининг ҳамжиҳатликдаги тўй, саёҳатлар каби тадбирлари уюштирилди. Ушбу тадбирларда моддий ва маънавий

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 137.

² Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.131.

³ Ўша жойда.

жихатдан бир-бирларини қўллаш, кам таъминланган оилаларга муттасил моддий ёрдам кўрсатиш ишларига эътибор қаратилди. ТАА АҚШдаги ўзбекларнинг Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардаги қавм-қариндошларини излаб топиши ва ўзаро муносабатлар ўрнатишларига ҳомийлик қилди. АҚШда Аҳмаджон исмли муҳожир ўзбек вафот этганида мазорлик учун жой топиш мушкул бўлганлиги билан боғлиқ сабоқдан хулоса чиқариб, ТАА 6750 долларга 27та мазорлик жойи сотиб олган. 1971-1972 йилларда жамият аъзоси Бурхон Аъламхўжа тузган “Туркистон клуби” ҳам ҳар бир оиладан 300 доллардан бадал тўплаб, 23 та мазорлик жойини туркистонликлар учун сотиб олиб муҳожир ўзбеклар жаъми 50 та мазорлик жойга эга бўлдилар ва ушбу муаммо бир қадар ҳал қилинди¹. ТААни моддий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун иона тўплаш ҳаракати бўлиб, унинг ҳисобига Ғуломжон Ясса, Мирза Пўлат Ҳакимий, Саид Султонмансур сингари (бадавлат) сертармоқ ўзбек оилалари кўп миқдорда пул ўтказишган. Ўзбекистон истиқлоли арафасида, яъни 1991-йилнинг мартада Нью-Йоркдаги “Байналминал уй”да ТАА ташаббуси билан “Орол танглиги муаммолари” мавзусида халқаро анжуман ўтказилган. Икки кун давом этган анжуманда иштирок этиш учун ташриф буюрган ўнлаб мамлакатлардан келган муҳожир ўзбек вакилларига ўзбекона миллий таомлар тортилган. Мажлислар залида “Ороллик аёл” тасвирини АҚШлик ўзбек муҳожир Салима Окуян чизган ва ўз асарини анжуман сўнггида ўзбекистонликларга совға қилган².

ТААни XX аср 60-80 йилларида Абдуллахўжа Туробхўжа ўғли, Ҳусан Икром, Исҳоқжон Нарзикул, Анварбек, Мирза Пўлат Ҳакимий, Неъмат Бегиш каби муҳожир ўзбеклар бошқаришган.

ТАА АҚШда ҳар йили ўтказилган “Қулликда яшаётган халқлар ҳафталиги” тадбирида иштирок этган. Бу ташкилот “Туркистон озодлиги” билан боғлиқ “Туркистонликлар кечаси” номли ҳар уч ойда бир марта, бир

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.133.

² Кўчимов А. Сехрли диёр. //Ёш ленинчи. 1991,20 июль.

йилда тўрт марта чоп этиладиган матбуот органи, яъни ўз бюллетенига эга. ТАА аъзолари Ўрта Осиёни ўрганиш билан боғлиқ АҚШ ва бошқа, дунё мамлакатларида ўтказиладиган илмий анжуманларда, “Халқларнинг большевикларга қарши иттифоқи” йиғилишларида қатнашган¹. Улар тайёрлаган мақолалар бюллетен саҳифаларида эълон қилинган. ТАА аъзолари “Озодлик” радиоси муҳарририяти чоп этган “Туркистон овози” бюллетенида ҳам фаол қатнашди². ТААда ўзбеклар билан бирга қирғиз миллатига мансуб бўлган Худойберган Азамат Ўзолтой, Содик Алдаш, Жўрабой Ашур ўғли, Жергаш Эрали, Султон Мурод Мирусмон каби собиқ “Туркистон легионер”лари ҳам аъзо бўлишган. Улар асосан татар, немис, турк аёлларига уйланган бўлиб, университетлар кутубхонасида илмий ходим, банкларда теллер (хизматчи), оддий ишчи каби касблар билан шуғулланишган. 1970-йилларнинг иккинчи ярмидан қирғизлар ТАА фаолиятида деярли қатнашмай қўйганлар³.

ТАА билан бир пайтда Нью-Йоркда 1960-йилларда М.Мақсудбек томонидан “Нью-Йорк мусулмонлари корпорацияси” ташкилоти ҳам тузилганди⁴. ТАА Нью-Йоркдаги “Чопондоз” нашриёти, “Америка ислом маркази” (раиси Абдулманнон) кабилар билан алоқа ўрнатган⁵.

2009 йил январдан Чикагодаги Ўзбек-Америка уюшмаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти (ЧУАЖ) ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда жамиятнинг раҳбар органлари учун ўтказилган сайлов натижалари кўриб чиқилди. ЧУАЖ жамиятининг асосчиси Сирожиддин Насафий истеъфога чиқиши муносабати билан жамият президентлигига ўз номзодини қўймади. Ўткан вақт мобайнида Сирожиддин Насафий ушбу ташкилотни

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.133.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 138.

³ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.134.

⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 139.

⁵ Ўша жойда.-Б.140.

оёққа турғазган шахс бўлиб саналади. Бу сайловда Олимжон Шарипов ғалаба қозониб Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти раиси этиб сайланди ¹.

Хуллас, буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний башорат қилган Америка қитъасининг АҚШ давлатида ўзбек миллатига мансуб минглаб ватандошларимиз истиқомат қилишган ва уларнинг фарзандлари бугунги кунда ушбу мамлакатдаги бир қатор шаҳарларда умргузаронлик қиладилар. АҚШлик ўзбеклар ўзларининг миллий урф-одатлари ҳамда она тилларини сақлаб қолиш, бир-бирларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий уюшмаларга асос солдилар.

¹ Интернет маълумоти. [www. e-tarix.uz](http://www.e-tarix.uz)

III.3. Туркия ва Германиядаги миллий уюшмалар.

1920 йилларнинг иккинчи ярмида Туркия Республикасидаги мухожир ўзбеклар, айниқса Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРнинг Туркияга кўчиб ўтган Германиядаги собиқ талабалари ташаббуси билан “Туркистонликлар жамияти”ни тузиш ҳаракати бошланган. 1927 йилнинг 29 июлида “Туркистон турк генчлари (ёшлари) бирлиги” номли уюшма тузилиб, ушбу ташкилотни тузишдан мақсад туркистонликларда истиқлол ғоясини мустаҳкамлаш, моддий жиҳатдан ночор кишиларга ёрдам бериш эди.¹ Туркистон “Турк ёшлари бирлиги” ташкилотининг раиси қилиб тиш доктори Межидиддин Аҳмад (Делил) сайланган². Ташкилотнинг идора таркибига Ёқуб Файзи (раис ўринбосари): Зиё Китобчи, Зоҳид Ўйлер (идора мудир) Тимур, Абдулқодир, Яҳёбей кабилар кирган. “Туркистон генчлари бирлиги” уюшмаси ўзининг “Бирлик” уйига эга бўлиб, бир қатор тадбирлар ўтказган. Туркистон тарихи ва маданиятини ўрганиш ва озошлик учун кураш масалалари, ўзбек миллий байрамларини биргаликда нишонлаш, мушоира ва шеърхонлик кечалари, моддий аҳволи оғир кишиларга ионалар тўплаш, ўзбек миллий матбуот органлари учун мақолалар тайёрлаш кабилар уюшма фаолиятининг асосини ташкил этган. “Туркистонликлар уюшмаси” Содиқ Бек бошқарган “Озарбайжон генчлари (ёшлар) бирлиги” ташкилоти билан ўзаро иттифокда иш олиб борган.

1930 йил 10 октябрда “Туркистон генчлари бирлиги” тузилганлигининг 3 йиллиги муносабати билан “Бирлик” уйида байрам тантанаси уюштирилган. Уюшма раиси М. Аҳмадбек, “Янги Туркистон” журналининг муҳаррири Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, собиқ талабалардан Аҳмад Найим, Туркияда таҳсил олган туркистонлик қизлардан Розия хоним, Маъмура хонимлар йиғилганлар олдида маъруза қилишган. Аҳмад

¹ Prof. Dr. A.Andican. Turkistan Mucadelesi. -Istanbul, 2003. -S. 308.

² М. Аҳмад Делил 1902 йилда Тошкентда туғилган. 1922-1923 йилда туркистонлик талабалар билан Истанбулга ўқиш учун келган. 1928 йилда, Истанбул университети тиш касалликлари факультетини битириб, олий маълумотли врач мутахассиси бўлган.

Найим ўз нутқини: “Туркистон миллий истиқлолини олмагунча ўз болаларини ўз пули ила тарбия қила олмас. Ўз мустақиллигини олатурғон куни кўп узоқ эмас! Яшасун миллатпарвар ёшлар!”¹-каби сўзлар билан тугатган.

Жамият аъзолари тадбир муносабати билан Туркистон ҳаётини акс эттирувчи деворий газета чиқаришган.² 1930 йиллар охирига қадар “Туркистон турк генчлари уюшмаси”, “Бирлик” уйида байрам тадбирларини “Туркистон кунлари”ни ўтказиб туришган. Ҳатто, улар 1929-1930 йилларда Туркия Республикаси президенти М. Камол Отатуркка ҳам Туркистон муҳожирлари номидан мактуб билан мурожаат қилишган.³

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фаолияти тўхтаб қолган “Туркистон турк генчлари бирлиги” ўрнига, 1949 йилда Усмон Хўжа Пулатхўжаев ёрдами ва маслаҳати билан Зиёвуддин Бобоқурбон “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотини тузган. З. Бобоқурбон 1930-йилларда муҳожирликка кетган ўзбеклардан бирининг фарзанди бўлиб, у Афғонистондан Туркияга муҳожир бўлиб келганди. “Туркистон талабалар бирлиги” ташкилотида Абдурахим (Райимжон); Шавкат Ёрбоғ, Бадриддин Охунбой, Шавкат Ўзўғли, Қодирали Чиғатой, Халил Мурод ўғли (туркман) кабилар иш олиб борган. Бироқ бу ташкилот ҳам узоқ вақт фаолият олиб бора олмаган.

Истанбулда 1940-йиллар охирида “Туркистон ёшлар жамияти”ни тузиш, унинг заминида бутун туркистонликларни ягона уюшмага киритиш учун профессор Аҳмаджон Иброҳим Ўқай, Тоҳир Чиғатой, доктор Солиҳ Эркинкул кабилар кўп куч сарфлаган. Улар ташаббуси билан туркистонликларни ягона ташкилотга бирлаштириш (Шарқий ва Ғарбий Туркистон миллати вакиллари), ўзаро ёрдам жамиятини тузиш ишлари олиб борилган. Бироқ, Туркия Республикаси тарихида рўй берган сиёсий

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 129.

² Ўша жойда.

³ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.125.

воқеалар туфайли уюшмалар узоқ яшамаган. Вақтинчалик мавжуд бўлган туркистонликлар ташкилотларида ўзбеклар кўп сонли бўлишган.¹ Баъзан уюшмалар уларнинг йўлбошчилари ва ҳомийлари оламдан ўтганидан кейин тарқалиб кетган. 1976 йилдаги маълумотлардан бирида: "Туркистон ёшлари жамияти"га ўзбеклар раҳбарлик қилишганди. Истанбулдаги Туркистон жамиятлари уюшмасини доктор Солиҳ, (Солиҳ Эркинкул); Тоҳир Чигатой, доктор Ўқтой (Мажид Иброҳим Ўқай), идора этган. Улар ўлганидан сўнг ташкилотлар фаолияти тўхтатилган"²-дейилади.

1950-1960 йилларда Туркия, Германия ва АҚШ сингари мамлакатларда ўзбек муҳожирлари ўз уюшма ва ташкилотларини туздилар. Туркиянинг муҳожир ўзбеклар зич яшайдиган шаҳарлари: Истанбул ва Аданада "ҳақиқатчилар" бўлими ташкил этилиб, 1963 йилдан бошлаб улар бирор-бир муҳожир ўзбекнинг уйида тўпланиб мажлислар қуришган.

Ўзбекларда азалдан одат бўлган "гап", "гаштак", "жўра" каби тадбирлар уюштирилиб, жамоа бўлиб ўзбек тилидаги бирор-бир китобни овоз чиқариб ўқиш баробарида муҳокама қилиш, грампластинка ва магнитофон ленталарида ёзилган ўзбек кўшиқларини бирга тинглаш, ўқитувчи танлаб фарзандларига ўзбек тилида таълим бериш каби тадбирлар амалга оширилган.³ "Ўзбеклар бўлими" Адана шаҳрида мустаҳкам бўлиб, миллий ўзликни сақлаб қолиш ва маданий-маърифий масалаларда ҳамкорлик уюшмасининг асосий иштирокчилари эди. Туркия Республикасининг айрим шаҳарларида вужудга келган муҳожир ўзбекларнинг ташкилотлари Туркистон миллий истиқлоли масалаларидан ҳам баҳс юритгани учун уларга совет империячилик мафкураси антисовет ташкилотлар сифатида қарарди. 1960 йилларда мавжуд бўлган, Б. Хўжанд раислигидаги Аданадаги "Туркистонликлар жамияти", Измирдаги Бурҳониддин Самарқандий бош котиблик қилган "Коммунизм билан

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.126.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 130.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 131.

кураш жамияти” кабилар шулар жумласидандир.¹ Ушбу ташкилотлар Туркиянинг 39 та шаҳарларида ўз бўлимларига эга бўлиб, туркий тилли халқлар (ўзбек, турк, қирғиз, қозоқ кабилар)ни бирлаштирган.² 1956 йилдаги хужжатлардан бирида: Анқара ва Адана шаҳарларида “Туркистонликлар жамияти” бор. Айниқса, “Адана жамияти” кучли ва қудратлидир. Унда Ўрта Осиёдан чиққан миллатлар бирлашган. “Адана жамияти”ни ўтакетган антисовет Абдулҳамид Кўчар бошқаради”³-деб ёзилган. Ушбу ташкилотга олимлардан профессор Иброҳим Ёркин, Қахҳор Чигатой, доцент Саидали Анқара ҳам аъзодир.⁴ Туркиянинг Адана шаҳрида иккинчи жаҳон урушидан сўнг “Турк мужоҳидлар дарнаги” - “Мужоҳид туркийлар (ветеранлар)нинг уюшмаси” тузилиб, уни собиқ “босмачи” раҳбарларидан Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбеклар бошқарган.⁵ Ушбу уюшманинг аъзолари байрам кунларида миллий мустақиллик шиорлари билан кўчаларда намойиш қилишган. “Муҳожир ветеранлар уюшмаси” аъзолари кекса ва камайиб боришларига қарамай турк ҳукуматлари олдида обрў-эътиборга эга бўлишган. Туркия ҳукумати уюшма аъзолари учун Истанбул, Адана ва Измир шаҳарларида махсус бинолар ажратган. Ҳар йили ушбу уюшма турк ҳукуматидан 100 минг лира миқдорида моддий ёрдам олиб, “Халқаро қизил хоч жамияти”, Туркия “Қизил ярим ой жамияти” кабилар ҳам моддий ёрдам кўрсатишган.⁶ Шермуҳаммадбек вафотидан сўнг (1970 йил) ушбу уюшманинг роли пасайган.

1960 йилларда Туркияда туркий халқларни бирлаштирувчи “Турк гечменлари” (“Туркий муҳожирлар”) конфедерацияси фаолият олиб борарди. Ушбу ташкилот туркий тилли муҳожирларнинг 7 та уюшмасини

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.126.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

⁴ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 131.

⁵ Ўша жойда. –Б. 132.

⁶ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.127.

бирлаштирган.¹ Мухожирлар жамиятлари конфедрациясини бухоролик Аҳмад Найим бошқарган. “Туркий мухожирлар конфедерацияси” таркибига “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти” ҳам аъзо бўлиб кирганди. Уюшманинг “Турк дуняча” (“Турк дунёси”) журналида мухожир ўзбеклар ҳам ўз мақолаларини эълон қилишган.² “Ғарбий Туркистонлар ёрдамлашма жамияти”нинг 1975-1978 йилларда ўз матбуот органи ҳам мавжуд бўлиб, бу “Хур Туркистон учун истиқлолчи газета” деб номланган. 1980 йилда Туркияда ҳарбий диктатура ҳукумронлиги ўрнатилганидан сўнг барча жамиятлар сингари “Ғарбий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”нинг фаолияти ҳам тақиқлаб қўйилди. 1984 йилга келиб жамият янгидан тикланди. Мазкур жамият “Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” деб ном олди, ҳамда унинг доимий қароргоҳи Истанбул шаҳрида, Оксарой даҳасидаги Жерроҳ пошо кўчасига қарашли 37/3 рақамли уйда жойлашган. Ташкилотнинг 1984-1990 йиллардаги раиси Истанбул университети медицина факультети ўқитувчиси, ота-бобоси асли қўқонлик бўлган доктор Аҳад Андижоний бўлган.³

Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти” қошида миллий халқ ансамбли, “Туркистонни ўрганиш фонди” (“Туркистон аристорма вақфи”) кабилар иш олиб борган. “Туркистонни ўрганиш фонди” раҳбари Истанбул университети профессори, турколог олим Туронбой Ёзген бўлган.⁴

«Туркистонликлар социал ва маданий ёрдамлашма жамияти» Туркиядаги «Шарқий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти», («Доғи туркистонликлар ярдейлешма дернеги») билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ушбу нуфузли уюшмани ХХРнинг Шин-Жонг Уйғур мухтор районида 1950-1960 йилларда Туркияга кўчиб ўтган уйғур, ўзбек, қирғиз, қozoқлар

¹ Мазкур бирлашмада қрим татарлар жамияти, Урал, Волгабуйи турклари, Шимолий Кавказ. Туркистон халқлари, Болқон ярим ороли туркий тилли мухожирлари кабилар ҳам бор эди.

² Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.126.

³ Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 132.

⁴ Ўша жойда.

биргаликда ташкил қилган ва қароргоҳи Истанбул шаҳрида эди.¹ Маълумотларга кўра Шин-Жонг уйғурдан Туркияга кўчганлар 3-4 минг киши атрофида бўлиб, Истанбул, Адана, Измир шаҳарларида жойлашганлар.² Шарқий Туркистонда хурматга сазовор бўлган, маҳаллий давлат бошқарув органларида ишлаган, Туркияга кейинчалик муҳожир бўлиб кўчган Муҳаммад Амин Буғро, Исо Алптегин кабилар ушбу ташкилот фаолиятида муҳим роль ўйнаган.³

Бироқ Туркиядаги ўнлаб туркий халқларнинг жамият ва уюшмаларида мустақкам алоқалар ўрнатилмади. Аввало, айрим уюшма ва ташкилотлар, уларнинг шаҳарлардаги бўлимлари моддий қийинчиликлар, ҳукумат сиёсати каби омиллар туфайли ўз фаолиятини тезда тугатди. Ўрта Осиё муҳожирлари тузган уюшма ва ташкилотларга аъзо бўлиб кирган қозоқ, қирғиз, туркманлар ўзбеклардан кам сонли бўлганлиги учун ўз ташкилотларини тузишга уриниб, уларда ажралиб чиқиш истаги устунлик қиларди.⁴

Шунга қарамай 1989 йил сентябрда Истанбулда «Ғарбий Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти»нинг ташаббуси билан Туркия, АҚШ, Саудия Арабистони, Афғонистон ва Покистондан келган ўзбек муҳожир жамоаларининг вакиллари иштирокида курултой (съезд) ўтказилиб, «Туркистонни туркистонликларга қайтариш учун курашлар!» шиори остида Туркистон муҳожир жамоалари кучини бирлаштиришга қарор қилишганди.⁵

1960 йилларда Ғарбий Германиянинг Штутгартд шаҳрида муҳожир ўзбек Зоир Обид⁶ раислигида “Туркистонликларнинг ўзаро ёрдамлашма

¹ Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 133.

² Ўша жойда.

³ Исо Алптегин «Шарқий Туркистон учун кураш», «Шарқий Туркистон инсониятдан ёрдам истайди» каби асарлар ёзиб, ташкилотнинг дастурини ифодалаб берган.

⁴ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.127.

⁵ Ҳайитов Ш. Уруш ва муҳожирлик. Бухоро. 2009. –Б.48.

⁶ Зоир Обид-асли қўқонлик бўлиб, иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистларга асир тушган. “Туркистон легиони”да оддий аскар бўлиб хизмат қилган. Уруш тугаганидан сўнг Ғарбий Германияда яшаб қолган, ҳудожўй киши бўлган. У тижорат ва таржимонлик ишлари билан шуғулланган.

жамияти” тузилган. Ушбу жамиятга 30-40 тача атрофида муҳожир туркистонликлар аъзо бўлиб кирган. Совет мафкуриси нуқтаи-назаридан “бетараф” гуруҳга киритилган Зоир Обид манзилгоҳига Ўзбекистондан миллий адабиётлар, грампластинка, ўзбек миллий буюмлари юборилган.¹

1967 йилда Мюнхенда (Ғарбий Германия)да Аҳмаджон Умарий бошчилигида “Туркистонлик ватандошлар” ташкилоти тузилган. Ушбу ташкилотни илк бор Аҳмаджон Умарий², сўнгра эса Мурот Тожимурот³, Собир Эшимбет⁴ кабилар бошқарган. Ушбу ташкилот раҳбарларидан А.Умарий 1970 йилларда Ўзбекистонда бўлган.⁵

“Туркистонлик ватандошлар” ташкилоти муҳожир ўзбекларга Ўзбекистондаги қавм-қариндошларини топиб бериш, улар ўртасида ўзаро хат ёзишмалари ва қариндошларни учраштириш кабилар мақсадида амалий фаолият олиб борган. 1975 йилда “Туркистонлик ватандошлар” ташкилотида 100 тага яқин аъзо бўлиб, аъзоларнинг асосий қисми иккинчи жаҳон уруши ветеранлари бўлишган.⁶

1978 йилда Мюнхенда (Германия) 1965 йилда тузилган ГФРдаги ватандошлар жамияти бўлиниши натижасида: «Ғарбий Германиядаги туркистонлик ватандошлар маданий жамияти» (ТВМЖ) ташкил топди. Ушбу жамиятга иккинчи жаҳон уруши йилларида муҳожир бўлган 70 та туркистонлик, асосан ўзбеклар бирлашди.⁷ Жамиятга ўзбеклар билан бирга бирга уйғур, туркман, тожик, қозоқ миллати вакиллари ҳам аъзо бўлиб кирди, жамият ўз олдига маданий мақсадларни қўйганлиги учун ГФРнинг

¹ Хайитов Ш. Уруш ва муҳожирлик. Бухоро. 2009. –Б.48.

² Аҳмаджон Умарий-Тошкентда 1910 йилда туғилган, 1932-1933 йилларда Тошкент Давлат Университетида ўқиган. 1939-1945 йилларда иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб асирга тушган. “Туркистон легиони”да хизмат қилган. Уруш тугаганидан сўнг Ғарбий Германияда яшаб қолган. У тузган «Туркистонлик ватандошлар» ташкилотида 40 та аъзо бўлган.

³ Мурот Тожимурот-туркман, иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, немисларга асир тушган. “Туркистон легиони”да хизмат қилиб, уруш тугаганидан сўнг, Вали Қаюмхон хомийлигида Мюнхен давлат университети битирган «Озодлик» радиосида туркман тилидаги эшиттиришларни олиб борган.

⁴ Собир Эшимбет-қорақалпоқ, Нукусда туғилган. Урушда асир тушиб “Туркистон легиони”га олинган. Бир умр Ғарбий Германияда яшаб қолган, Германия фуқароси бўлиб, «Озодлик» радиоси, «Туркистон бўлими»да ишлаган.

⁵ Хайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 145.

⁶ Хайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.136.

⁷ Ўша жойда.

Мюнхендаги маҳаллий ҳукумати унга фаолият юритишга рухсат берган. ТВМЖ да асосан иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари бирлашганликлари учун аъзоларининг ўртача ёши 60-70 ёш атрофида бўлган.

Ташкилот раҳбари Мурод Аҳмедов-1917 йилда Тошкентда таваллуд топган. 1937 йилда Самарқанд давлат медицина институтини битирган. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, немис-фашистларига асир тушган ва урушдан сўнг Мюнхенда муҳожирликда яшаб қолган. У 1977 йилда Ўзбекистонда бўлган. Мурод Аҳмедов немис аёли Герта Аҳмедовага уйланиб, ундан бир қиз (Жаклин Аҳмедова-1956 йил туғилган) фарзанд кўрган. Ж. Аҳмедова халқ артисти Бернора Қориевадан балет сирларини ўрганиб, Тошкентдаги хореография билим юртида таҳсил олган. У чех йигитига турмушга чиқиб Бавария миллий театрида, сўнгра эса Вена (Австрия) опера ва балет театрида актёр бўлиб ишлаганди.¹

Мюнхенда тузилган «Ватандошлар билан маданий алоқалар жамияти» Ўзбекистонда чоп этиладиган «Ойдин», «Совет Ўзбекистони», «Совет Шарқи мусулмонлари» номли газета ва журналларни олиб турган.² Жамият муҳожир ўзбеклар билан Ўзбекистон ўзбеклари ўртасида қавм-қариндошлик ва ўзаро мактубий алоқалар ўрнатиш, Ўзбекистонга қайтишни истаган муҳожир ўзбекларга ёрдам бериш, ўзбек маданиятини хорижда тарғиб қилиш каби иш шаклларидан фойдаланган. Бу ташкилот аъзолари катта ёшли бўлганликлари учун улар ўзбек тилини яхши билганлар. Шунинг учун жамият қошида ўзбек тилини ўқитиш курси ёки мактабини ташкил қилишга эҳтиёж сезилмаган. Ташкилот аъзоларининг Германияда туғилган фарзандлари масаласига келсак, улар Европа миллати аёллари (асосан немис миллати)га уйланганлиги учун ёш авлод ўзбек тилини деярли билмайди.

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.136.

² Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. АБУ МАТБУОТ-KONSALT; 2008.- Б. 144.

Хуллас, Туркия ва Германияда ўнлаб миллий уюшма ва ташкилотлар фаолият юритди. СССР парчалангандан сўнг ушбу ташкилотларнинг кўпчилиги тарқалиб кетди.

ХУЛОСА

Узоқ ўтмишга эга бўлган ва тарихий жараён ҳисобланган “диаспора” туфайли бугунги кунда ягона миллатли бирор бир мамлакатни топиб бўлмайди. Йирик миллатлар қаторига кирган ўзбеклар ҳам дунё бўйлаб тарқалиб кетганлиги, уларнинг анча қисми асл ватанлари Ўзбекистондан бошқа мамлакатларда ҳам истиқомат қилиши ҳақида диссертациянинг асосий боблари орқали фикр юритдик. Асосан совет мустабид тузуми йилларида турли тарихий босқичларда: (1917-1924 йиллар, 1920-1930 йиллар, 1939-1945 йиллар) Ўзбекистондан йўли ва тақдири айри тушганлар хорижда ўзликларини сақлаб қолишга интилдилар, бу борада амалий ҳаракатлар қилдилар. Халқимиз қаерда бўлмасин Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан беғараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди¹”-каби тамойилларга амал қилиб келди.

Муҳожир ўзбекларнинг миллий уюшма ва матбуот органлирини ташкил этишдан ҳам аввало кўзланган мақсад, маънавий дарддошлик, бутун дунёга ўзлигини танитишга қаратилган эди. Тадқиқот давомида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Совет ҳокимияти йилларида муҳожирликка маҳкум этилган ўзбек (туркистонлик)ларнинг ижтимоий таркиби хилма-хил бўлиб, улар большевиклар сиёсатининг “дискриминация”, “сегрегация” каби ноинсоний йўлини тутиб иш кўрганлиги оқибатида хориждан паноҳ топган эдилар. Муҳожир ўзбеклар орасида истиқболни ўйлаб хорижий мамлакатларга ўқиш учун юборилган иқтидорли талаба ва ўқувчилар, дунёвий ва диний илм вакиллари, зиёлилар бор эди. Шунингдек, совет

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. –Б. 8-9.

ҳукумати органларида фаолият кўрсатган матбуотчилик, сиёсий йўлбошчилик, ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлганлар ҳам оз эмасди. Хорижий мамлакатлардаги миллий уюшмаларни тузиш ва матбуот органларига асос солиш тарихи шундай шахслар номи билан боғлиқ.

2. Муҳожир миллатдошларимизнинг матбуотчилик фаолиятидаги илк ҳаракат ва амалий қадамлар 1922-1923 йилларда ТАССР, БХСР, ХХСР ҳукуматлари томонидан Германия ва Туркияга ўқиш учун юборилган талабалар фаолияти билан боғлиқ. Германиянинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олган талабалар ташаббуси билан 1923 йил ёзида Берлин шаҳрида “Кўмак” миллий мажмуасининг 1-сони чоп этилди. Ушбу мажмуа хориждаги ўзбекларнинг матбуотчилик тарихини бошлаб берди. Журналнинг 1-сони нашрдан чиққани маълум, бироқ кейинги сонлари чоп этилганлиги билан боғлиқ масала ҳанузгача очиқ қолаяпти. Нима бўлганда ҳам бу журнал ўзбек миллати вакилларининг бу борадаги биринчи тажрибаси эди.

3. Ўзбек (Туркистон) матбуоти тарихида БХСР ҳукумати таркибида масъул вазифаларда ишлаган умрининг катта қисмини муҳожиратда ўтказган Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ҳамда Туркистон мухторияти ҳукуматининг собиқ раҳбари Мустафо Чўқай ва улар сафдош ва маслакдошларнинг фаолияти алоҳида эътиборга лойиқдир. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев Туркия Республикасининг собиқ пойтахти Истанбулда сиёсий, адабий, илмий характердаги, бир ойда бир бор чоп этиладиган “Йени Туркистон (Янги Туркистон)” журналини 1927-1932 йилларда нашр эттириб турди.

Журнал Туркия туркчасида, араб алифбосида (24 та сон), лотин имлосида (39 та сон) чоп этилганди. Мустафо Чўқай муҳаррирлигидаги “Ёш Туркистон” ойлик мажмуаси 1929йил декабрдан 1939 йилнинг августига қадар Берлин (Германия), Париж (Франция)да дунё юзини кўрганди. Бу журналнинг 117 та сони чоп этилганлиги, унинг нисбатан узок-муддат яшовчан бўлганлигидан далолат беради. Хориждаги

Туркистон (Ўзбек) матбуотчилик тарихи ривожда юқорида қайд қилинган иккита нашр ўзига хос ролга эгадир. Ушбу мажмуалар атрофида Туркистон миллати вакиллари (казок, туркман, қирғиз, тожик, қорақалпоқ) ижодий кучлари ҳам бирлашдилар.

3. Ўзбек миллий матбуотчилик тарихида Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1939-1945 йй) муҳим босқич ҳисобланади. Бу борада Вали Қаямхон муҳаррирлигида 1942-1945 йилларда Германия пойтахти Берлинда чоп этилган “Миллий Туркистон” журнали, 1943-1945 йилларда нашр қилиниб турган Қўбизчи Қўрқут муҳаррирлигидаги “Миллий адабиёт” адабий журнали, Вали Зуннун (Абдулла Тўлаган) бош бўлган “Янги Туркистон” газетасини алоҳида таъкидлаш ўринли бўларди. Юқоридаги нашрлар орасида “Миллий Туркистон” узоқ яшовчан бўлиб чиқди. Унинг уруш йилларида 62 та сони босилган бўлса, 1948-1975 йилларда Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида яна 72 та сони, жами 134 сони чоп этилганди.

4. XX асрнинг 2 ярмида муҳожир ўзбеклар томонидан матбуотчилик фаолияти давом эттирилди. Бу давр хориждаги ўзбек матбуотчилигининг ўзига хос хусусияти шундаки, дунё юзини кўрган матбуот органлари қисқа вақт чоп этилиб турилди. Бу газета ва журналлар ўз фаолиятини турли сабабларга кўра тўхтатишга мажбур бўлганди. Улар фаолиятидаги давомийликни таъминлашга моддий қийинчилик, ҳукуматлар сиёсати, ўзбекларнинг тез-тез Ватанларини алмаштириб туриши, молиявий таъминот узилишлари каби кўпдан-кўп омиллар тўсқинлик қилди.

5. Қисқа вақт мавжуд бўлиб туришига қарамай хорижда истиқомат қилувчи ўзбеклар томонидан “Хур Туркистон учун Истиқлолчи газета” (Туркия, 1975-1977 йилларда, 5 минг нусхада Истанбулда Нуриддин Покюррак муҳаррирлигида чоп этилган). “Юлдуз” (1978 йил, Афғонистондаги Мозори Шарифда Абдуллоҳ Рўйин муҳаррирлигида), Турк Эли (1951-1957 йилларда Германиянинг Берлин шаҳрида Карис Қанатбой муҳаррирлигида чоп этилган), “Таржимони афкор” (1952-1957,

Мюнхень). “Озод Туркистан” (1954 йил, Покистон Карачи, муҳаррири: Муҳаммад, Амин Туркистоний), “Туркистон саси” (1956-1957), журналлардан: “Туркистон” (1988-1995 йй). Муҳаррири Ахат Андижоний Истанбул, 2000 нусха). Газета “Ватан” (1983-1991 йил Покистон Пешавар шаҳри, муҳаррири Озодбек) ва ўнлаб даврий бюллетеньлар чоп этилди.

6. Муҳожир ўзбек (туркистонлик)ларнинг матбуот органлари мумтоз ўзбек адабий тилида араб ва лотин имлосида чоп этиб турилди. Собик Иттифокда 1940 йилга қадар уч бор имло алмашинувлари ўтказилиб, муҳожир ўзбекларнинг асосий қисми хорижга 1940 йилларга қадар кетган эдилар. Шунингдек, чет элларда чоп этилган Туркистон матбуотининг анчаси Туркия туркчаси, форс-тожик тили ҳамда Ўрта Осиё миллатлари (қозок, туркман) тилларида эди. Айрим ҳолларда Европа тилларида (инглиз, немис) ҳам журнал ва газеталар чоп этилганди.

7. Хориждаги ўзбекларнинг миллий уюшма ва ташкилотларининг вужудга келиш тарихи ҳам 1920-1930 йилларга тўғри келади. 1923 йилда Германиядаги Туркистон талабалари бир-бирларини маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаш учун “Кўмак” уюшмасини тузганлар. Шундай ташкилотлар тузиш ҳаракати жумладан 1940 йилда Сурияда “Бухороликларнинг ўзаро ёрдамлашма жамияти” вужудга келганди. Бундай уюшма ва ташкилотлар барпо этишга Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ҳукуматлар томонидан чиқарилган қонунлар тўсқинлик қилди. Шунинг учун Муҳожир ўзбеклар бу мамлакатларда қанча зич яшамасин, ўзлари истагандек уюшмаларга асос сола олмадилар. Бироқ, ўзбекларнинг Туркия, Германия, АҚШ, Австралия, Шарқий Туркистон (ХХР) сингари давлатлардаги миллий уюшмалари таъсирчан кучга эга бўлди.

8. Миллий уюшмалар тузишдан кўзланган мақсад: хорижий элларда ўзбек тили, ўзбекона урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолиш хорижда таваллуд топган ўзбек болаларини ҳамжиҳатликда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муҳожир ўзбеклар ўртасида қавм-

кариндошчилик алоқаларини ўрнатиш, асл ватанлари Ўзбекистон билан маданий алоқалар ўрнатиш, бир-бирларига уй-жой, кўчиб ўтиш, иш билан таъминланишида ёрдам бериш каби хайрли ишлар эди. Айрим уюшмаларнинг бадавлат аъзолари маблағи ҳисобига уюшмалар учун махсус бинолар сотиб олинган, ўзбек тилини ўргатадиган якшанбалик мактаблари очилган, миллий байрамлар (Наврўз, Қурбон, Рўза ҳайити, мавлуд), қабилар уюштирилган миллий уюшмалар тасарруфида ўзбек ва Туркистон минтақаси халқлари тилида бюллетень газета ва хабарномалар чоп этилган. СССР мавжуд бўлган даврда большевизм ва коммунизмга қарши кураш олиб борувчи ташкилотлар ҳам фаолият юритганди.

9. Ўзбек (туркистонлик)ларининг миллий уюшма ва ташкилотлари орасида “Туркистон турк генчлари (ёшлари)” бирлиги, “Туркистон талабалар бирлиги”, “Ҳақиқатчилар”, “Туркистонликлар жамияти”, “Коммунизм билан кураш жамияти”, “Муҳоҳид туркий ветеранлар жамияти”, “Ғарбий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”, “Туркистонликлар культура ва социал ёрдамлашма дернеги”, (Туркия Республикаси), “Шарқий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти”, “Ўзбек тилини ўрганиш илмий-маданий маркази” (ХХР, Шарқий Туркистон), Туркистон Миллий Бирлиги Қўмитаси (ТМБҚ); “Туркистонликларнинг ўзаро ёрдамлашма жамияти”, “Туркистонлик ватандошлар ташкилоти”, “Ғарбий Германиядаги туркистонлик ватандошлар маданий жамияти” (Германия). Туркистонликлар Америка Ассоциацияси (ТАА). “Нью-Йорк мусулмонлари корпорацияси (АҚШ); “Ўзбеклар маркази” САР); “Бобурийлар маданиятини ўрганиш маркази” (Ҳиндистон); “Австралия ўзбеклари” (Австралия) қабиларнинг фаолияти диққатга сазовор бўлди.

9. Муҳожир ўзбекларнинг миллий уюшма ва ташкилотлари фаолияти ҳақида фикр юритилар экан, улар ҳам ҳамиша яшовчан бўлиб келмаганлиги билан эътиборни тортади. Мазкур уюшмаларнинг кўпчиликлари маълум бир тарихий даврда фаолият юритиб тургандан сўнг тугатилди ёхуд тарқатиб юборилди. Бирок, АҚШдаги Туркистон Америка

Ассоциацияси (ТАА) ва “Австралия ўзбеклари” каби жамиятлар бугунги кунда ҳам фаол иш олиб бормокда.

Диссертациянинг юқоридаги умумлаштирувчи характерга эга бўлган хулосаларидан келиб чиқиб қуйидагича таклиф-мулоҳазалар билдирмоқчиман.

- Ўзбекистон тарихшунослиги фанида истиқболда “хориждаги ўзбек миллий матбуоти”, “муҳожир ўзбекларнинг миллий уюшма ва ташкилотлари” масаласини жиддий атрофлича тадқиқ қилиш аҳамиятли бўларди.

- Миллий матбуот тарихи ўзбек миллий давлатчилиги тарихини ўрганишда муҳим манбавий асос бўлади. Чет эллардаги ўзбек миллий матбуоти, Ўзбекистон ва ўзбеклар матбуоти тарихининг ажралмас бир қисмидир. Хориждаги миллий матбуот тарихидан фундаментал монография яратиш зарур.

- Чет эллардаги ўзбек (Туркистон) матбуоти, миллий уюшмалар фаолиятини ўзида жамлаган маълумотларни тўплаб улар веб-сайтини яратиш керак деб ҳисоблайман.

- Хориждаги миллий матбуот жонкуярлари, журналистлар ҳақида келажакда тарихий очерк, илмий мақола китоб ва рисоалар яратиш Ўзбекистон ва журналистика тарихининг бўш ҳамда кам ўрганилган саҳифаларини тўлдириши исбот талаб қилмайди.

Фойдаланган манбалар ва адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари.

- I.1. Каримов И.А. Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани қатнашчиларига. // Туркистон; 1992, 3 ноябрь.
- I.2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 32 б.
- I.3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон; 2005. –445-450.
- I.4. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашарди. – Тошкент: Ўзбекистон; 2005.-62 б.
- I.5. Каримов И.А. Ўзбекистонинг 16 йиллик мустақил тараққиёти йўли.// Халқ сўзи; 2007, 31 август.
- I.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон; 2010. – 56 б.
- I.7. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. – Тошкент: Ўзбекистон; 2011. – 440 б.

II. Тарихий ҳужжатлар.

- II.1. Чет эллик ватандошлар билан алоқа боғлаш. Ўзбекистон “Ватан” жамияти низоми (“Ватан” жамиятининг 1-таъсис конференциясида қабул қилинган). Тошкент, 1977. – 5 Б.
- II.2. Ойни этак билан ёпиб бўлмиш ... (“Ватан” жамиятининг 1977 йил 28 октябрда ўтказилган матбуот конференцияси материаллари). Тошкент, 1977 (араб имлосида). – 46 б.
- II.3. Ўзбекистон ССР нинг “Давлат тили тўғриси”даги қонун. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 16 б.
- II.4. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллик асослари тўғрисида қонун (1991 йил 31 августда қабул қилинган) // Халқ сўзи. 1991, 2 сентябрь.

- II.5. Обращение участников первой Ташкентской международной встреча узбеков (теркистанцев) // Правда Востока. 1991, 27 сентября.
- II.6. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг жорий этиши тўғрисида”ги қонуни (1993; 2 сентябрда қабул қилинган) // Халқ сўзи; 1993, 5сентябрь.
- II.7.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (29 модда). – Тошкент, 1998. – 28 б.
- II.8.Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги (янги таҳрирда) Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Тошкент, 1998. – 28 б.
- II.9.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон. 2010. – 36 б.

III. Даврий марбуот

III.1 Газеталар

- III.1.1.Бухоро ахбори. (Бухоро) 1920-1923. – БХСР МИҚ ва БХСР Иштирокиюн фирқаси органи.
- III.1.2. Озод Бухоро (Бухоро) 1923-1925. – БХСР МИҚ ва БХСР Иштирокиюн фирқаси органи.
- III.1.3. Ойдин (Тошкент). 1968-1992.
- III.1.4. Ҳур Туркистон учун – Истиқлолчи газета (Истамбул).1975-1977.

III.2.Хотира ва эсдаликлар

- III.2.1. Vas Turkistan (Parij-Berlin)1929-1939.
- III.2.2. Veni Turkistan (Istanbul). 1927-1932.

IV. Хотира ва эсдаликлар

- IV.1.Azamov Ahrar.Acid hat (Cet ellardagi Vatandoshlarimga acid hat). Toshkent, 1977. – 46 б.
- IV.2. Валидий Аҳмад Заки Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер/ Бошқирд тилидан Ш.Турдиев таржимаси. – Тошкент: Адолат, 1997. – 280 б.
- IV.3.Иброҳим Ёрқин. Хотиралар // Жаҳон адабиёти. – Тошкент, 2012. №6. – Б. 134-145.

IV.4.Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. Тошкент: Шарқ; 2001. – 69 б.

IV.5. Чокай Мария. Я пишу вам из Ножана. Воспоминания, письма, документы. – Алматы: Кайнар, 2001. – 208 с.

V. Адабиётлар

V.1. Авторхонов А. Кремль салтанати. – Тошкент: Чўлпон; 1993. – 80 б.

V.2.Алимова Д.А; Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. Тошкент: Ўзбекистон; 2000. – 70 б.

V.3. Алимова Д. Буряков Ф. Филонович М. Объективность а истории, ответственность за будущее // Учитель Узбекистана; 2003.16 марта.

V.4.Аймоқ Файзулла. Қадами қутлуғ бўлсин // Халқ сўзи, 1991, 12 ноябрь; 18 ноябрь.

V.5. Баҳодир Карим. Миллий адабиёт. Равшан ва Қурбон // Ёшлик. Тошкент; 2000. - №3. –Б.38-39.

V.6.Бахромов И. Шўроларнинг Туркистондаги сиёсати муҳожир ватандошларимиз талқинида// Маҳорат кўзгуси. – Бухоро, 2004. - № 3-4. – Б. 34-38.

V.7.Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.1992. 27 март.

V.8. Волкогонов Д. Сталин-Политический портрет. В 2-х книгах.-Кн.1-4-е изд.-М.: АО. «Издательство Новости», 1997. 624 с.

V.9.Воҳидов Э. Америка ўзбеклари // Ёшлик. – Тошкент: 1989.- №6.– Б.2-6.

V.10.Дўстқораев Б. Чўлпон: газета-эттинчи давлат// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2004, 22 октябрь.

V.11. Зухриддин Мирза Обид ўғли Туркистоний. Анда жоним қолди менинг... – Тошкент. Чўлпон, 1992. – 58 б.

V.12.Иброҳимов А. Тошкентнинг бир япроғи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1993;28 май.

V.13.Ирисов А. Ватан меҳри // Гулистон. – Тошкент; 1995.- №5-6.–Б.38-40.

- V.14. Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. Т.: Маънавият. 2000. – 88 б.
- V.15. Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. -Т.: Фан, 2007. - 279 б.
- V.16. Наимов. Н. Бухоро жадидлари. (тарихий очерклар, ҳужжатли қисса). -Т.: Фан, 2000. – 46 б.
- V.17. Нишонов М. “Юлдуз” – дўстлик элчиси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – №12. –Б.201-202.
- V.18.Олимжон Идрисий, Аҳад Найим, Афзал Абу Саид. Таҳсис ва изоҳ // Озоб Бухоро, 67-сон; 1924, 27 март.
- V.19. Ражаббой Ота Турк. Ватан дея Ватансиз ўтдик. (Темир Хўжа билан суҳбат) // Халқ сўзи. 1991, 25 январь.
- V.20. Ражабов Қ. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. Т. ABU MATBUOT-KONSALT; 2011. – 36 б.
- V.21.Раҳмонов К. “Бухоро ахбори” газетаси Бухоро Республикаси матбуот органи // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004. – №2. –Б.44-46.
- V.22. Тоҳир Қаҳҳор. Муҳожир Туркистонликлар матбуоти (таслим бўлмаган миллат)// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992; 10 январь.
- V.23. Тоҳир Қаҳҳор. Ҳур Туркистон учун. -Т.: Чўлпон, 1994. 112 б.
- V.24.Турдиев Ш.Улар Германияда ўқиган эдилар.-Тошкент:Фан,1991.-70б.
- V.25 Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. -Тошкент: Академ-хизмат босмахонаси; 2006. -276 б.
- V.26.Хайриддин Султон. Бобурнома. – Тошкент: Шарқ; 1997. – 413 б.
- V.27. Шамсутдинов Р. Усмон Хўжа ватан хоини эмасди// Халқ сўзи. 1991, 15 ноябрь.
- V.28. Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа Пўлатхўжаев – миллий мустақиллик курашчиси. Бухоро, 2007. – 56 б.
- V.29. Ҳайитов Ш. Совет ҳокимиятига қарши миллий муҳолифат ва Туркистон муҳожирлиги// БухДУ илмий ахборотлари. Бухоро. 2007. -№4. – Б. 12-15.
- V.30. Ҳайитов Ш. АҚШ даги ўзбеклар // БухДУ илмий ахборотлари. Бухоро. 2008. -№ 4. –Б.11-13.

V.31. Ҳайитов Ш. Ўзбек муҳожирлиги тарихи. Т. ABU MATBUOT-KONSALT; 2008. - Б. 208 б.

V.32. Ҳайитов Ш. Хориждаги ўзбек матбуоти // БухДУ илмий ахборотлари. Бухоро. 2010. -№ 2. –Б.14-18.

VI. Диссертация ва авторефератлар

VI.1. Аъзамова Г.А. Хориждаги ўзбеклар: ижтимоий – сиёсий ва ҳуқуқий муаммолари. Фал. фан. ном. дисс. ... – Тошкент; 1995. – 116 б.

VI.2. Гиязов И.А. Военно – политический коллаборационизм тюрко-мусильманских народов СССР годы второй мировой войны. Автореф. дисс. ... доит.ист.наук. – Казань; 1999. – 59 стр.

VI.3. Ҳайитов Ш. А. История узбекской эмиграции XX века. Автореф. дисс. ... доит. ист. наук. – Тошкент. – 2009. – 59 стр.

VII . Хорижда чоп этиладиган адабиётлар

VII.1. Ahat Andican. Cededizm'dan Bagimsizligi Haricte. Turkistan Mucadelesi. Birinci Baski Istanbul. 2003. S.942.

VII.2. Vas Turkiston. Turkiston Milli Istiklol fikrida xizmet eturgi Aelig Mecmu`a. Turkiston Milli Istiklol fikrine Eden Aylig Dergi Basyazari Mystafa Cjkay oqly. Jild (1-13 Sayilar) 1929-1930. Istanbul,1997. – 496 s.

VII.3. Mehmet Saroy. Ataturk`un Sovyt Politikasi, Istanbul. 1990, 394s.

VII.4. Turkistanda Venilik haveketleri ve Iktilaller 1900-1924. Osmam Hosa Anisina Incelemelen. Hozirhayan Editedu Timur Koca ogli. Sota. Haarlem.2001.(Турк, инглиз, немис тилларида). – 467 s.

VIII. Интернет маълумотлари.

VIII. www.e-tarix.uz.

VIII. www.12.uz.

Илова 1

1923-1991 йилларда муҳожир ўзбекларнинг хорижий мамлакатларда чоп этилган газета, журнал ва мажмуалари ҳақида маълумот.¹

т/р	Нашрнинг номи	Чоп этилган йиллар	Қанча чиққан	Тили	Чоп этилган жойи	Ноширлари
Гезеталар						
1	Янги Туркистон	1942- 1945	-	Туркча, ўзбекча, лотин имлосида	Берлин	Вали Қаюмхон, Вали Зунин (Абдулла Завқий)
2	Хур Туркистон учун истиклолчи газетаси	1975- 1977	12	туркча	Истанбул	Зиёвуддин Бобоқурбон
3.	Ватан	1983- 1991	-	Туркча, ўзбекча, форсча, араб алифбосида	Пешовар	Озод Бек
Журналлар						
1.	Янги Туркистон	1927- 1932	24	Туркча, араб арифбосида	Истанбул	Усмон Хўжа Пўлатхўжаев

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.159.

2.	Ёш Туркистон	1929- 1939	117	Туркий араб алифбосида	Париж	Меҳмеддин Аҳмед
3.	Миллий туркистон	1942- 1975	134	Турк, ўзбекча, араб, лотин имлосида	Берлин	Мустофо Чўқай
4.	Миллий адабиёт	1943- 1945	10	Қозоқ, қирғиз, ўзбек, туркман, лотин имлосида.	Берлин	Вали қаямхон
5.	Турк элин	1951- 1957	-	Қозоқча, ўзбекча, қирғизча, туркча (лотин имлочида)	Берлин, Мюнхень	Вали Зунун, Керес Қанотбоев
6.	Таржимони	1952- 1957	-	Араб имлосида	Карачи	-
7.	Озод Туркистон	1954	3	Туркий ўзбекча	Қоҳира	Муҳаммад Амин Туркистоний
8.	Туркистон саси	1956- 1957	20	Туркия туркчаси, лотин алифбосида	Анкара	Меҳмед Амин Буғро, Зиёвуддин Бобоқурбон

9.	Туркистон	1988-1995	20	Туркия туркчаси	Истанбул	Ахат Андижоний
----	-----------	-----------	----	-----------------	----------	----------------

Илова 2

1990 йилларга қадар хорижда муҳожир ўзбекларнинг ташкилот ва жамият ҳақидаги умумий маълумот билан қуйидаги жадвал орқали танишиш мумкин¹.

Мамлакат номи	Сони	Шаҳарлар	Жамиятлар	Раиси
Америка Қўшма Штатлари	5000	Нью-Йорк	1.Туркистон Америка Ассоциацияси (ТАА)	Нўъмон Ўқиён
		Вашингтон	2.Метро политен Америка ассоциацияси	Абдуманнон Кенжаев
		Сан-Франциско, Лос-Анжелос	3.Канада ва Америка Бухоро яҳудийлари конгресси	Борис Кантов
Германия	1500	Мюнхень Франкфурт	Германиядаги Туркистонлик ватандошлар жамияти	Хусан Икромов
Туркия	100000	Истамбул Адана Анқара	Туркистонликларга маданий ва ижтимоий ёрдамлашиш маркази, “Овроосиё турк жамиятлари уюшмаси”	Турон Оқин Хоқон Ёвуз Демир

¹ Ҳайитов Ш. Бадриддинов С. Ватан дея Ватансиз қолганлар қисмати. Бухоро.2005. – Б.147.

Покистон	10000	Карачи, Пешовар, Исломобод	Покистон – Ўзбекистон жамияти	Акбар Аҳмад Ўзген
Ҳиндистон	100	Ҳайдаробод	Бобурийлар уйи	Зиёвуддин Тусий
Хитой халқ Республика си	20000	Урумчи, Ёркент, Гунча, Қошғар	Ўзбек тили ва маданиятини тадқиқ этиш маркази	Талъат Носирий
Австралия	300	Сидней, Мельбурн, Аделанда	Австралия ўзбеклар маданий жамияти	Юнус Рўзиқожи
Исроил	4000	Қуддус	Ўзбеклар маданий маркази	Шайх Абдулла Азиз ал- Бухорий
Сурия	1000	Дамашқ, Хаоб, Латакия	-	-
Иордания	500	Омман, Ирбит	-	-
Саудия Арабистони	700.00 0	Макка, Мадина, Жидда, Тоиф,	-	-

Миср	10	Қоҳира	-	-
Афғонистон	10000 00	Мозори Шариф, Иштирхон, Хонобод, Саробкўл ва ҳоказо	-	-

Юқоридаги жадвалда бўш қолдирилган ўринлар Араб мамлакатлари ва Афғонистон давлатларидаги ички қонун қоида ва тартиблар туфайли бирор турдаги жамият тузиш мумкин бўлмаганлиги билан боғлиқ.



Туркистон Америка Ассатцияси эмблемаси

